Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 218 (20. 186) • 1988 йил 22 сентябрь • пайшанба Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	3,43	39,82	2,54	15,60
Қашқадарё	2,56	24,99	2,27	15,19
Андижон	1,46	20,83	0,38	1,53
Фарғона	1,93	20.64	0,32	1,52
Наманган	1,77	17,07	0,85	1,95
Сурхондарё	1,73	15,21	1,71	6,95
ҚҚАССР	2,08	14,88	1,86	8,14
Бухоро	1,80	12,65	0,40	1,26
Тошкент	1,38	9,36	0,99	2,16
Самарқанд	0,83	4,48	0,15	0,59
Сирдарё	0,82	3,77	0,67	2,08
Республика бўйича:	1,71	15,75	1,05	4,90
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	2,04	31,36	—	—
Сурхондарё	1,69	16,06	2,04	8,12
Қашқадарё	1,17	10,47	1,07	3,88
Самарқанд	1,28	10,24	—	—
Бухоро	0,42	1,40	—	—
Республика бўйича:	1,48	13,80	1,62	6,30

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг борищи тўғрисида 21 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён

Қашқадарё	5,2	126,6
Сирдарё	5,1	114,8
Тошкент	2,8	108,0
Сурхондарё	5,4	101,1
Наманган	7,2	97,3
Хоразм	5,7	80,1
Қорақалпоғистон АССР	5,8	79,4
Бухоро	8,3	74,9
Андижон	3,7	62,1
Самарқанд	9,4	60,1
Фарғона	7,7	47,0
Республика бўйича:	5,8	91,3

ЖУРЪАТ КЎРСАТИШДАН ЧЎЧИМАНГ

ЖУРЪАТ КЎРСАТИБ, МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАНГИЗГА ОЛИБ, УЮШИБ ИШЛАЙВЕРИНГ... ЖУРЪАТ КЎРСАТИШДАН ЧЎЧИМАНГ.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Неча ўн йиллар давомида биринчи марта Хоразмнинг қайта ишлаш корхоналарига пахта сентябрда эмас, балки августнинг сўнгги кунларида топширилди. Тошкентлик лойиҳачилар ва уйсозларнинг ҳамкорликда яратган темир-бетон панелларидан ўн олти қаватли турар жойлар қуриш тажрибаси япониялик шаҳарсозларда катта қизиқиш уйғотди.

Республиканинг турли бурчакларидан олинаётган бундай мактубларни зўр ҳаяжон ва фахр туйғуси билан ўқир экансиз, дилингиз яйрайди. Булар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қайта қуришни янада чуқурлаштириш, туб иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга ошириш, совет сиёсий системасини ислоҳ қилиш, КПССнинг раҳбарлик фаолиятини ва ички турмушини демократиялаштириш бўйича йўл-йўриқлари, халқ қалбидан чуқур жой олганлиги, у ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз, шу жумладан республикамиз меҳнат аҳли ёрқин келажак учун курашни тобора авж олдирмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳар бир киши қайта қуриш, жамиятимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, сиёсий-социал ва маънавий жиҳатдан шакллантириш, ленинча иш услуби ва турмуш тарзини янада кўпроқ қарор топтириш йўлида актив фаолият кўрсатмоқда. Корхоналарда хўжалик ҳисоби жорий этилиши, ўзини-ўзи бошқаришга ўтилиши коллективларга ўз ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланиш, корхонанинг чинакам хўжайини бўлиш эркинлигини берди. Янгича ишлаётган корхоналар план бажарилишини таъминлаб қолмай, ўз иқтисодий кўрсаткичларини ҳам яхшилашга эришяптилар.

«Каршистрой» бошқармасининг қатор бўлинмалари ўтган йили тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишда ташаббускор бўлишган эди. Улар 1987 йилни фойда кўриш билан якунлашди. Бу йил эса ҳозиргача планга қўшимча ярим миллион сўмлик иқтисодий фойда кўрилди. Қашқадарёдаги қатор меҳнат коллективлари ҳам ташаббускорлар изидан бориб, келгуси йилдан тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш тараддудини кўришмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз муҳим социал вазифа— 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибдаги уй-жой билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга киришди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида кишиларнинг маблағлари эвазига уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, иморат қуришда ёрдам бериш зарурлиги уқтириб ўтилди. Жойларда ички имкониятларни ишга солиш мақсадида қатор ташаббуслар юзага келмоқда. Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Бухоро область Свердлов район халқ депутатларининг якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш ибратли ҳаракатини маъқуллади.

Хоразм областидаги қатор район партия комитетлари кучайратларни етилган социал муаммоларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг ташаббуси ва мустақиллигини оширишга қаратмоқдалар. Сўнгги икки йилда областнинг ички имкониятлари ҳисобига маҳаллий ресурслардан ғишт, цемент, бўёқ, оҳак каби бинокорлик материалларини ишлаб чиқарувчи 59 цех ва корхона қуриб битказилди. Қорақўл район партия комитетининг ташаббуси диққатга сазовор. Райком бюроси қайта қуришни одамларга ғамхўрлик кўрсатишдан бошлади. Бир йилда уй-жойларни фойдаланишга топшириш ҳажми бир ярим баробарга кўпайди. Ҳар бир колхозда стадион, ёзги кинотеатр каби қатор маданий-маиший объектлар қурилди.

«Узагропромстрой» давлат бирлашмаси коллективлари орасида Хоразмдаги 2-агросаноат қурилиши бирлашмаси биринчи бўлиб хўжалик юритишнинг янги методига ўтиб ишлаш ташаббуси билан чиқди. Улар прогрессив иш усулининг барча имкониятларини намоён этишяптиқ, моддий ва маънавий рағбатлантириш фондидан тўла манфаатдор бўлолмаётирлар. Бунга планлаштиришдаги айрим чалкашликлар ҳалал беряпти.

Илғор тажриба ва янги ташаббусларни тезда илғаб олиб, уни кўпчиликнинг мулкига айлантиришимиз муҳимдир. Ташаббускор, юқори унумли меҳнатни бутун чоралар билан рағбатлантириш, шу билан бирга қўл учида ишлаётган, меҳнат ва технология интензивлиги бузаётган, сифатсиз маҳсулот тайёрлаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлайлик.

В. И. Ленин «омманинг тезлик билан ишга киришмоғи учун оммани мусобақасини ҳам, ташаббусини ҳам қўзғата билмоқ жуда муҳимлигини таъкидлаган эди. Лекин социалистик мусобақа кўпгина хўжаликларда экономикани интенсив ривожлантириш изларига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини қайта қуриш талаблари билан узвий боғланмаган. Айрим жойларда меҳнат беллашувини уюштиришда расмиятчиликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Ташаббускор ишчилар, бинокор-у транспортчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш, уларни моддий-маънавий рағбатлантиришга эътиборни кучайтириш зарур.

Самарқанд лифтсозлик заводи ишчиси, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати А. Мелиев шахсий планини ошириб бажариш, сифат ва тежамкорлик ҳаракатида фаол иштирок этиш билан бирга актив жамоатчи ҳамдир. Завод партия комитети ва меҳнат кенгашининг аъзоси. А. Мелиев заводнинг янги корпуслари қурилишида содир бўлаётган муаммолар, чунончи, бинокорлик материаллари таъминотидаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш, қурилиш ишларн суръатини оширишга партиявий таъсир кўрсатмоқда. Конференция делегати ўзининг актив ҳаётий позицияси билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ортиб, қайта қуриш жабҳаларн анча кенгайиб бормоқда. Меҳнат унумдорлигини муттасил ўстириб бориш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, кам куч ва меҳнат сарфлаб кўпроқ натижаларга эришиш— бугунги долзарб ишимиздир. Маҳаллий партия комитетлари, совет органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнат беллашувига раҳбарлик қилиш усул ва услубларини мунтазам такомиллаштириб боришлари лозим. Меҳнат коллективлари кенгашларининг фаолиятини кучайтириш, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни талабларига ҳамма ерда қатъий риоя қилиш керак.

Халқ депутатлари Советлари зиммасида экономиканинг туб проблемаларини чуқур ва мунтазам таҳлил этиш вазифаси турибди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бўлган илғор тажрибани кенг ёйиш, қолоқлик сабабларини чуқур таҳлил этиш, масъулиятсизлик, ксрофгарчилик учун конкрет айбдорларга чора кўриш ҳуқуқларидан ўринли фойдаланишлар.

Ҳозирги янгиланиш, покланиш даврида ҳар бир хўжалик раҳбаридан оддий меҳнаткашгача ташаббус кўрсатиб ишлаш талаб этилмоқда. Ишда мустақиллик, масъулият, жўраст керак. Масъулиятни зиммага олиб ишлаш— жасорат ифодаси. Қўл қовуштириб, юқоридан берилаётган кўрсатма ва йўл-йўриқларни кутиб ўтиришга батамом барҳам берайлик. Йўлда бир оз қоқилиш, баъзан хатоликка йўл қўйишимиз мумкин. Бироқ янгиланиш, қайта қуриш йўлида бундан чўчимаслик, муҳими, илгарилаб боришга интилавериш керак. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг тарихий қарорларини рўёбга чиқариш учун барча куч-имкониятларни ишга солиш, ташаббус кўрсатиш, омилкорлик талаб этилмоқда. Партиянинг ҳозирги талаби шундай: журъат кўрсатишдан чўчиманг.

«Ҳосил-88» ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

✦ Самарқанд областининг Қизилтепа райони пахтакорлари ўзаро мусобақада карвонбошилик қилишмоқда. Бу ерда 21 сентябрга қадар йиллик планнинг 15 процента атрофида «оқ олтин» тайёрланди. Районда «зангори кема»лар ҳам иш бошлади.

✦ Хоразм областининг Хонқа, Гурлан, Қашқадарё областининг Чироқчи, Яккабоғ, Андижон областининг Ленин, Олтинқўл, Фарғона областининг Ленинград, Бувайда, Наманган областининг Наманган, Уйчи районларида ҳам йиғим-терим суръати тобора ошиб бормоқда. Илғорлардан ўрнак олинг!

✦ Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарёда дефолиация ишлари ниҳоясига етди. Ғўза барги тўла тўкилган жойларда машиналар ишга тушиб, хирмонларга барака кирмоқда. Лекин Андижон, Самарқанд, Фарғона областларида бу юмуш кечикиб кетаётир. Муҳим тадбир тезроқ тугалланишини таъминлайлик!

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Шартномага мувофиқ колхозимизнинг Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ бригадасидан 5 гектар ер олиб, оилавий пудрат асосида деҳқончилик қилдик. 2,5 гектар майдонга «Андижон—9» навли пахта чигити 90х20 схемасида экилди. Ҳар бир уяда биттадан кўчат қолдирилди. Икки марта кетмон чопиғи, 6 марта культивация ўтказдик. Экинни уч марта озиқлантириб, уч марта суғордик.

Ҳар туп ғўзада 24 тадан 30 тагача бўлиқ кўсак етилди. Ҳосил ҳар йилгидан эрта пишди. Биз фурсатни қўлдан бермай йиғим-теримни бошлаб юбордик. Хом ашё қанча сифатли бўлса, даромадимиз шунча юқори бўлишини яхши биламиз. Шу сабабли теримни тезлатиш билан сифатга алоҳида эътиборни қаратдик. Қисқа муддатда ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 13 сентябрда бажардик. Далада ҳали пахта кўп. Мақсадимиз — ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш. Ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширяпмиз.

Иккинчи тажриба участкамиз ҳам 2,5 гектар. Бу участкада бедани бир марта ўриб олиб, ўрнига 23 апрелда «Андижон—9» навли чигит экдик ва ҳар бир уяда иккитадан кўчат қолдирдик. Бу ерда ҳам икки марта кетмон чопиғи, олти марта культивация ўтказилди. Ғўзани уч марта суғориб, уч марта озиқлантирдик. Ҳар туп кўчатда ўртача 15 тадан кўсак етилди. Ҳозир пахта қийғос очилган. Бу участкадан ҳозиргача 10 тоннадан зиёд пахта териб олдик. Мўл ҳосил етиштириш ва уни йиғиб-териб олишда ўғилларим Абдумухтор, Арабжон, келинларим Замирахон, Намунахон, қизларим Обидахон, Шоҳистахоннинг хизматлари катта. Звеномизда пахта йиғим-терими давом этяпти.

Районимизда пахтачилик бўйича 2105 та, колхозимизда эса 342 та оилавий пудрат звенолари бор. Колхозимиздан Ҳакимжон Қурбонов, Ҳакимжон Қосимов, Ленин номли колхоздан Йўлдошхон Тожибоева, Гулсарахон Ҳайдарова, Навоий номли колхоздан Абдумутал Қўчқоров оилавий пудрат звенолари ҳам ҳар гектар ердан 32—35 центнеран хирмон кўтардилар. Улар ҳозир 40 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар.

Мўминжон ФАРМОНОВ,
Андижон область Олтинқўл районидаги «Коммуна» колхозининг оилавий пудрат звеноси бошлиғи.

М. С. ГОРБАЧЕВ М. Ҳ. ШАРҚ билан учрашди

20 сентябрь куни М. С. Горбачев Кремлда Афғонистон Республикасининг Бош министри Муҳаммад Ҳасан Шарқ билан учрашди. Унинг Совет Иттифоқига қилган визити мамлакатдаги аҳволни сиёсий бартараф этиш жараёни жуда масъулиятли, ҳал қилувчи босқичга чиққан бир пайтда ўтмоқда. М. С. Горбачев шуни уқтириб, ўз халқининг, ўз мамлакатининг тақдири ҳал этиладиган бир пайтда Афғонистон ҳукуматига бошчилик қилишга суҳбатдошининг рози бўлганини юксак баҳолади.

Янги Бош министр Афғон жамиятининг кенг табақалари намояндаси эканлиги суҳбатнинг мазмуни ва характерини белгилаб берди. Суҳбатдошлар Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши хусусида ҳамда Апрель революциясидан аввал ҳам, ундан кейин ҳам ва мамлакатда совет қўшинлари бўлган даврда ҳам Афғонистон раҳбарияти ўтказган сиёсат ҳақида рўй-рост, жуда ошкора суҳбатда фикрлашиб олдилар. Хулосалар ва фикр-мулоҳазалар кўп жиҳатдан бир-бирига яқин ва мос бўлиб чиқди.

М. Ҳ. Шарқ ўзи билан бирга кўп йил мобайнида илғор ватанпарварлик ҳаракатида қатнашиб келган мўътабар доиралар номидан гапириб уларда кўпданоқ таркиб топган қатъий эътиқодни билдирди: улар Совет Иттифоқи билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар бўлмаса, ўз мамлакати нормал ривожлана олмайди, деб ҳисоблайдилар.

М. С. Горбачев билан М. Ҳ. Шарқ ҳозирги ташқи вазиятларда ва экстремист кучларнинг жазавасига қарамай, миллий яраш сиёсатини янада зўр ғайрат билан ўтказиш имкониятлари мавжудлигини қайд этдилар.

Мамлакатдаги ва унинг қуролли кучларидаги давлат раҳбарлигини мустаҳкамлаш, барча сиёсий оқимларни ўз ичига оладиган, бутун жамиятга таяна оладиган ва халқ эътироф қилган кенг коалицияни вужудга келтириш йўлини изчиллик билан ўтказиш шу йўл муваффақиятининг энг муҳим шартидир, деган фикрни суҳбатдошлар якдиллик билан билдиридилар. Жиспслашган АХДПнинг бу жараёндаги ўрни ва роли ҳокимиятнинг янги характерини эътиборга олиб, аҳволни сиёсий бартараф этиш давомида вужудга келадиган янги шароитларда зарур бўлган амалиётчилик запасига боғлиқ бўлади. Айни шу йўл биродаркушлик уруши тўхтатилишини билдиради, ҳозир бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ҳунрезликни истисно этади. Умуммиллий вазифани ҳал этишда алоҳида роль ўйновчи президент билан ҳукумат бошлиғи ўртасида вужудга келган мустаҳкам ўзаро ишончнинг аҳамияти таъкидланди.

Миллий яраш йўлининг муваффақияти айни вақтда Афғонистоннинг қўшилмаслик ҳаракати муносиб аъзоси бўлган ва ўз қўшинлари билан иноқликда яшаб турган бетараф, қўшилмаган, мустақил давлат сифатидаги мавқеи мустаҳкамланишини ҳам билдиради. Ҳақиқий коалициянинг вужудга келиши ва Афғонистоннинг халқаро турмушга тўла-тўкис қўшилишидан иборат мана шу ўзаро боғлиқ жараён Афғонистоннинг ўз манфаатларига ҳам, шунингдек, Совет Иттифоқининг, Ҳиндистоннинг, ислом давлатларининг, қўшилмаслик ҳаракатининг, Покистон ва Қўшма Штатларнинг — бутун жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларига ҳам мувофиқ тарзда ўтиши муҳимдир.

Шу муносабат билан Покистон билан АҚШнинг Женева битимларига номуносиб муносабати қайд этилди. Бутун дунёдаги ижобий тенденцияларни ривожлантириш учун бу битимларнинг принципиал аҳамиятини ҳамма эътироф этган. Энди у ёки бу давлат сиёсатининг сифати ҳақида, айниқса, шу битимларни имзолаган давлатларнинг сиёсати ҳақида уларнинг мазкур битимларга қандай муносабатда бўлаётганлигига қараб фикр юритилади. Бу битимларни бузиш афғон аҳолисининг азобуқубати ва кулфатларини узайтириши, беҳуда қурбонларга олиб бориши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мамлакатдаги ҳарбий вазиятнинг энг муҳим жиҳатлари, шунингдек, афғон аҳолисига совет халқи бераётган ёрдамдан, шу жумладан, қайтариб олинмайдиган ёрдамдан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Афғон аҳолиси мана шундай ёрдам берилаётганини билиши керак.

М. С. Горбачев хайрлашиб, суҳбатдан ўзининг тўла мамнун эканини изҳор қилар экан, Афғонистон ҳукуматининг бошлиғига унинг қийин ишида муваффақиятлар тилади. Президент Нажибуллога саломлар топширишни сўради. Ўз халқининг фаровонлигига эришиш мақсади йўлидаги вақтинчалик муваффақиятсизлик л а р г а келганда, бу муваффақиятсизликлар масъулиятли арбоблар учун активликни кучайтириш омилигина бўлиши мумкин, деди у пировардида.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе ва А. Ф. Добринин қатнашдилар.

(ТАСС).

Суҳбат бошланиши олдидан. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

МУЗОКАРА ТУГАДИ

20 сентябрь куни Москвада Совет — Вьетнам музокаралари тугади. Бу музокараларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико билан ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Во Ти Конг олиб бордилар.

Шу куни А. А. Громико Кремлда Во Ти Конгга Октябрь революцияси орденини топширди. Бу орденга у революцион ҳаракатдаги фаол иштироки, СССР билан ВСР ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги катта ва самарали фаолияти учун мушарраф бўлган эди. А. А. Громико меҳмонни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан юксак мукофот билан табриклади, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг саломи ва самимий табригини етказди.

Маросимда КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, бошқа Совет ҳамда Вьетнам расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

Во Ти Конг совет жамоатчилиги вакиллари билан учрашди. У ана шу учрашувда гапириб, халқларимиз дўстлигининг манбалари В. И. Ленин ва Улуғ Октябрь ғояларида эканлигини таъкидлади.

* * *

Кечқурун Во Ти Конг Кремлнинг Съездлар саройида бир пардали балетлар кечасини томоша қилди. А. А. Громико, Совет ва вьетнамлик бошқа расмий кишилар меҳмон билан бирга эдилар.

(ТАСС).

ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

20 сентябрь куни Кремлда Н. И. Рижков билан М. Ҳ. Шарқ ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини атрофлича кўриб чиқиш чоғида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва социал соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва такомиллаштиришнинг энг устун йўналишлари белгилаб олинди. Совет республикалари, областлари ва шаҳарларининг Афғонистон вилоятлари ҳамда шаҳарлари билан кенгайиб бораётган бевосита алоқалари аҳамияти таъкидланди.

* * *

Н. И. Рижков билан М. Ҳ. Шарқ Кремлда СССР билан Афғонистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлигининг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программасини имзоладилар.

Шу программада кўзда тутилган биринчи навбатдаги ишларни амалга оширишда иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Совет Иттифоқининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 1989—1993 йилларда афғон гражданларини тайёрлаш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

* * *

М. Ҳ. Шарқ В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

* * *

Совет ҳукумати номидан Кремлда Афғонистон Республикасининг Бош министри шарафига зиёфат берилди.

Совет томонидан Н. И. Рижков, Н. В. Тализин, А. Ф. Добринин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Н. И. Рижков ва М. Ҳ. Шарқ нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари қарсаклар билан қутиб олинди.

* * *

СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида Афғонистон ҳукуматининг бошлиғи совет ва чет эл журналистлари билан учрашди. У Москвада совет раҳбарлари билан ўтказилган учрашув ва музокаралар ҳақида гапириб берди, СССРга қилган визити тўғрисидаги таассуротларини баҳам кўрди.

* * *

Кечқурун М. Ҳ. Шарқ Москвадан Ленинградга жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Аэродромда уни Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Меҳмоннинг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида Н. В. Тализин унга ҳамроҳ бўлмоқда.

* * *

Шу куни меҳмон Ленинградга етиб келди.

(ТАСС).

Машинанинг пишиқлигини қандай ошириш керак?

Мамлакат экономикасини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш автоматлаштирилган системаларнинг янги туркуми ва илғор технологиялар ишлаб чиқилишини тақозо этади. Бунга эса янги машиналарни лойиҳалашдан то ишлатишгача уларнинг зарур даражадаги пухталигини таъминламасдан эришиб бўлмайди.

Замонавий экономиканинг муҳим муаммоси «Катта механик системалар ҳисоб-китоби ва уларнинг пухталигини бошқариш» деб аталган Бутуниттифоқ еттинчи илмий мактаби машғулотларининг мавзуси бўлди. Бу ерда Совет Иттифоқининг 46 шаҳридан илм-фаннинг шу соҳасидаги 230 нафар етакчи мутахассис йиғилди. Мамлакатнинг кўпгина илмий муассасалари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети мактабнинг ташкилотчилари бўлишди. Лекцияларни ўқишга таниқли совет олимлари таклиф қилиндилар. Мактаб тингловчилари пухталик назариясининг ҳозирги ютуқлари билан танишадилар, тадқиқотларнинг натижаларини айирбошлайдилар. Ҳозирдаёқ ишлаб чиқилган технологияларнинг халқ хўжалигига қандай жорий этилганини билиб оладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Кун тартибида—оптик электроника

Фарғонада радиоэлектроникининг энг янги йўналишларидан бири — оптик электроникага бағишланган Бутуниттифоқ илмий-техника семинар-кенгаши тугади. Роботлаштирилган комплекслар ҳамда ўзгарувчан ишлаб чиқариш системалари учун оптик электрон датчикларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш масалалари муҳокама этилган ана шу учрашувни академик С. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ приборсозлар илмий-техника жамияти Фарғона политехника институти билан биргаликда ташкил этди. Учрашувда ўнта иттифоқдош республикадан келган олимлар, саноат корхоналарининг мутахассислари иштирок этдилар.

— Фарғона оптик электроника соҳасидаги таниқли олимларнинг учрашуви ўтказилган жой қилиб танланганлиги тасодифий эмас, — деди Бутуниттифоқ приборсозлар илмий-техника жамияти марказий правлениеси «Опто-электроника» секциясининг раиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати профессор Ю. Носов. — Кейинги 10-12 йил мобайнида Фарғона политехника институтида техника фанлари доктори профессор М. М. Мухитдинов раҳбарлигида ёш тадқиқотчилар мактаби таркиб топди. Ана шу тадқиқотчилар халқ хўжалигида: пахтачиликда, тўқимачилик, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш саноатида оптик электрон датчикларни қўллаш проблемасини муваффақиятли ишлаб чиқишмоқда.

Семинар-кенгаш қатнашчилари оптик электроникининг мураккаб физик, материалшунослик, техник ва конструкторлик муаммоларини ҳал этишга қаратилган тавсияларни қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Делегация Тошкентдан жўнаб кетди

Кампучия Халқ Революцион партиясининг делегацияси бир неча кун мобайнида Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов билан суҳбатлашдилар.

21 сентябрь куни КХРП делегацияси Тошкентдан жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД АСОСИДА

«Правда» колхозининг 1-агроучасткаси коммунистлари 3-бригада дала шийпонида ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказишди. Цех партия ташкилоти секретари М. Нурмуродовнинг ҳисобот доклади йиғилишнинг қизиқарли, коммунистларнинг актив иштирокида ўтишига асосий туртки бўлди. У эътиборни ҳисобот даврида қабул қилинган қарорлар ижросига қаратди.

— Ҳисобот даврида анчагина муҳим қарорларни қабул қилдик,— деб сўз бошлади у. — Аммо уларнинг ижросини партия ташкилотининг секретари сифатида на мен, на бюро аъзолари қатъий назорат остига олмадик. Қайта қуришнинг эндиги босқичида коммунистларнинг ўзлари масъулиятни ҳис қилиб, топширилган иш участкасида ўзгариш ясайдилар, деб ўйладик. Афсуски бундай бўлмади...

Шундан кейин докладчи қарорларнинг бажарилишида қайси коммунистлар пассивлик кўрсатганлигини номма-ном тилга ола бошлади. Партия ташкилоти бюроси аъзолари ҳам колхоз партия комитетининг секретари ва правление раиси ҳам докладдаги танқидга чап бера олишмади.

Муросасизлик билан қилинган доклад бутун йиғилишнинг боришига танқидий руҳ берди. Музокараларда сўзга чиққан Ҳ. Шаҳобиддинов, М. Қобилов, Н. Ғайбуллаев, О. Юнусов, О. Жабборова ва бошқа нотиқлар ҳам партия ташкилотидаги вазиятни конкрет таҳлил қилишди, айрим раҳбарларнинг фаолиятидаги нуқсонлар илдизини очиб беришди.

Энгельс номли колхознинг 5-бригадасида, «Москва» колхозининг 1-агроучасткасида, район марказий касалхонаси маъмурий бўлими ва бир қанча коллективларда партия ташкилотларининг йиғилишлари мана шундай принципиал танқид ва конкрет таҳлил асосида ўтди.

Партия қуйи бўғинларидаги ҳисобот-сайловлар жараёнида коммунистлар район партия комитети фаолиятини яхшилаш, сайлаб қўйилган актив ролини ошириш юзасидан кўпгина фойдали мулоҳазалар билдиришди. Улар ўз ташкилотларидан район партия комитети аъзолигига сайланган коммунист ишлаб чиқаришда илғор бўлса ҳам сиёсий-ташкилий ишлардан ўзини четга олаётганини ўринли танқид қилишди. Келгусида район партия комитети аъзолигига номзодларни танлаш пайтида партия аъзолари фикрига асосланишни талаб қилишди.

Ҳақиқатан ҳам район партия комитети бундан аввалги йилларда бу тўғрида чуқурроқ ўйламаган экан. Сайлаб қўйиладиган актив учун номзодларни танлаш пайтида кўпроқ партия комитети секретарлари, хўжалик раҳбарлари фикрига қулоқ солиб, меҳнат кишисининг бу тўғридаги фикри билан ҳисоблашилмаган эди. Актив меҳнатда эришган натижалари, анкета белгиларига асосан танланиши оқибатида партия ташкилотларида сиёсий-идеологик ишларни олиб боришда лаёқатли бўлмаган коммунистлар ҳам кадрлар номенклатураси составига тушиб қолган.

Бу йилги ҳисобот-сайлов кампанияси мазкур соҳада ўзгариш ясаяпти. Коммунистлар ўзларининг асосий йиғилишларида янги секретарь, партия бюроси аъзоларини сайлаш билан чекланмай, район партия ташкилотининг келгуси конференцияси учун сайлаб қўйиладиган орган аъзоларига номзодлар кўрсатишяпти. Гарчи партия группалари ва цех партия ташкилотлари ҳисобот-сайловларида район партия комитети номзод кўрсатиш масаласини қўймаган бўлса ҳам коммунистлар ўз ташаббуслари билан шундай қилишди. Биз бунга монелик қилишни лозим топмадик.

Ҳисобот-сайлов жараёни ва унинг арафасида бўлиб ўтган партия йиғилишларида коммунистлар қуйи бўғин ташкилий структураси ҳақида ҳам кўпгина таклифларни киритишди. Масалан, улар цех партия ташкилотлари сонини кўпайтириб, партия группаларини қисқартиришни таклиф этишди.

Ҳамма гап шундаки, олдинги йилларда коммунистлар агроучасткалар партия группаларига бириктирилиб баъзи ҳолларда хатога йўл қўйилган экан. Жумладан бир агроучасткага кирувчи бригадаларнинг қишлоқлари бир-биридан анча узоқда жойлашгани ҳисобга олинмаган, ишлаб чиқариш вазифалари турлича бўлган коммунистлар бир ташкилотга бирлаштирилган.

Ҳисобот-сайлов кампанияси бошланиши арафасида биз бу таклифларни район партия комитетининг бюросида муҳокама қилдик. Партия ташкилотларига қуйи бўғиндаги ҳисобот-сайловлар жараёнида бу масалани чуқур ўрганиб, коммунистлар хоҳиши ва заруратини назарда тутиб, структурага тегишли ўзгаришлар киритиш тавсия қилинди. Натижада бу соҳада ўзгаришлар содир бўлди. Чунончи, район партия ташкилоти ҳисобидаги партия группалари сони 134 тадан еттитагача камайди, цех партия ташкилотлари эса 97 тадан 177 тага етди. Бундай тадбир қуйи бўғиндаги партиявий-сиёсий ишларни жонлаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Албатта, барча партия қуйи бўғинларида ҳам ҳисобот-сайловлар XIX партия конференциясида қабул қилинган қарорлар даражасида ўтди, деб бўлмайди. Бир қатор ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари турғунлик йилларидаги сингари коммунистларнинг пассивлигида ўтганлиги қайд этилди. Масалан, «Партия XXVII съезди» колхозининг 4—5-бригадалари партия группасида, Ленин номли колхознинг 4-бригадаси партия группасида, шундай ҳол юз берди. Биз бунинг сабабларини чуқур ўрганиб, келгусида коммунистлар активлигини ошириш тадбирларини белгиладик.

Умуман, қуйи бўғиндаги ҳисобот-сайловлар жараёнида коммунистлар сўзга чиқиб 300 дан зиёд конкрет таклиф ва мулоҳаза айтишди. Юзга яқин таклифлар партия ташкилотлари томонидан амалга оширилди. Қолган танқидий мулоҳазаларда айтилган камчиликларни тузатиш тадбирлари кўрилмоқда.

Айни маҳалда партия группалари ва цех партия ташкилотлари йиғилишлари асосан поёнига етди. Эндиликда партиямизнинг асоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бошланди. «Ўзагропромстрой»нинг 2-кўчма механизациялашган колоннаси, электр тармоқлари район корхонаси, алоқа узели, район газ бошқармаси ва яна бир қатор бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар юқори савияда ўтди.

Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайловлари қишлоқ ҳаётида энг қизғин давр бошланганлигини паллага тўғри келди. Партия ташкилотимиз ҳисобида турган коммунистларнинг учдан икки қисми шу кунларда пахта даласига чиқишган. Ҳисобот сайлов кампанияси барча партия ташкилотларида меҳнат ва сиёсий активликни оширишнинг таъсирчан омили бўлмоқда.

С. ЖУРАЕВА,
Бухоро район партия комитетининг иккинчи секретари.

• *Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиялари ўртасидаги даврда*

БУ ОҒИР «ЕНГИЛ САНОАТ»...

Доимий комиссияларнинг мажлисидан

Яхши тўқувчидан қандай қилиб маҳрум бўлиш мумкин? Бу жуда осон: унга янги квартира учун ордер топшириш керак... Бироқ, уйи иш жойидан йигирма километрча узоқ бўлиши керак. Тўқувчимиз ҳали автобуслар гараждан чиқмаган пайтда комбинатга эрталабки сменага бир неча кун қатнаб, ҳамма нарса жонига тегади. Ҳеч бўлмаганда, квартирасини ишга яқинроқ жойга алмаштириш тўғрисида ўйлай бошлайди.

Шундай экан, нима учун ходимга квартирани у ишлаб турган корхонага яқин жойдан бериш мумкин эмас?

Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган учрашувда ана шундай ҳамда бундан мураккаброқ ва оддийроқ бошқа саволлар берилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар ишлари ҳамда хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиялари ўзининг енгил саноатга бағишланган қўшма мажлисини шу ерда ўтказди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, мазкур тармоқ иқтисодий, техникавий, социал ҳолатларга кўра анчагина қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Аммо, мана шу барча қийинчиликлар пировард натижада айни ана шу икки комиссиянинг вазифалари бўлган муаммолар доирасига киради. « Енгил саноат» деб аташ расм бўлиб қолган тармоқда айниқса кўп хотин-қизлар, жумладан ёш хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда.

Шуни рўй-рост айтиш керакки, «енгил саноат» деган терминнинг ўзи мунозарали бўлиб, «қийин саноат» дейиш аниқроқ бўлур эди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: «йигирувчи ёки тўқувчи бир сменада ўз технологияси маршрути бўйлаб кўплаб километр йўл босади, айни вақтда унинг қўли ҳам, кўзи ҳам жуда кам дам олади. Ипнинг равон кетишини, газлама тўқилишини тўқув станоги ёхуд йигирув машинаси белгилаган суръатда кузатиб туриш керак. Мана шу жараённинг ҳаммаси технология талаб қилганидек, ҳавоси ортиқча нам бўлган чанг ва шовқин цехда ўтади.

Енгил ва чиройли газламаларга назар ташлар эканмиз, биз бу мўъжиза қандай меҳнат эвазига яратилганлигини ҳамиша ҳам тасаввур этавермаймиз. Пойабзал, трикотаж, тиқувчилик фабрикаларидаги ишлар ҳам бундан осон эмас. Тўғри, комиссиялар буни эътиборга олди, бироқ умумий муаммоларни яққол тушуниб етиш учун диққат-эътиборни типик, кўпинча эса энг ўткир ҳолатларга қаратишимиз керак. Шунинг учун ҳам комиссиялар ишни тўқимачилик корхоналаридан бошлашди. Чунки Ўзбекистонда бундай корхоналар анчагинадир.

...Комиссияларнинг қўшма мажлиси кўпгина сабоқ бўларли жиҳатларни аниқлашга ёрдам берди. Айни вақтда ушбу мажлисни тайёрлаш тажрибаси ҳам қимматли бўлди. Аслини олганда, комиссия мажлислари Тошкент, Нукус, Андижон, Бухоро, Фарғона, Қўқон, Ленинск, Хива, Қўрғонтепа, Пойтўғдаги катта ва кичик ўн иккита корхонада бошланди. Депутатлар меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан учрашдилар.

Депутатларнинг ҳар томонлама ҳаётий тажрибага эга эканлигини ҳам инобатга олиш керак. Чунончи, материалларни врач, генерал, фабрика директори, журналист, область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область партия комитетининг биринчи секретари, райком секретари, комсомол Марказий Комитетининг секретари бўлган депутатлар тайёрладилар. Улар Енгил саноат министрлигида ҳам бўлишди. Депутатлар объектив маълумотларни, шахсий таассуротларни, тўқимачиларнинг танқидий мулоҳазалари ва маслаҳатларини умумлаштириб, бутун тармоқ учун хос бўлган энг муҳим, типик жиҳатларни аниқлаб олдилар.

Шуни таъкидлашимиз керакки, комиссиялар тармоқдаги тўлиқ манзарани аниқлашга интилдилар. Бунда республика босиб ўтган йўл учун фахрланиш туйғуси ҳам намоён бўлди: Октябргача хом ашё етказиб берувчи ўлка эндиликда қудратли индустрияга эга бўлди: бир йилда ишлаб чиқариладиган ип ва шойи газлама ярим миллиард метрдан ошиб кетди. Тўқимачилар Ўзбекистон ишчилар синфининг энг катта отрядларидан бири бўлиб қолди, тармоқда минг-минглаб маҳаллий миллат хотин-қизлари индустриал меҳнатга, жамоат фаолиятига жалб этилди. Аммо айни омма активлигининг ўсганлиги, меҳнатнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, ижодкорликка интилиш эришилган ютуқларни ўтмиш билангина эмас, бу билан бир вақтда тармоқнинг янги вазифалари, унинг имкониятлари ва истиқболлари билан таққослаш имконини бермоқда. Бу борада тармоқда фойдаланилмаётган ресурслар анчагина.

Ўтган йили Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати 42 миллион метр газламани етказиб бера олмади. Ҳозирги вақтда ҳам маҳсулот етказиб беришга оид шартномалар аниқ-пухта бажарилмаяпти. Истеъмолчилар кўпинча буюмлар сифатидан норози бўлмоқдалар. Текшириб чиқилган чит, сатин, майя, ички кийимлар тикиладиган газламаларнинг ҳар ўн метридан бир метринг сорти пасайтирилди ёки брак қилинди. Маҳсулотнинг турлари сусткашлик билан янгиланмоқда: йил бошидан бери «Н» («янгилик») индекси билан чиқарилиши лозим бўлган 14 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Бунинг асосий сабаблари яққол кўриниб турибди: янги техникани жорий этиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг ҳамма бир қисми бажарилмади, қўл билан бажариладиган операциялар кўп, ускуналарнинг носозлиги ва интизомнинг сустлиги туфайли тез-тез бекор туришлар кўп. Андижон ипгазлама комбинатида янги қувватларнинг иш билан таъминланиши 70 процент, Бухоро тўқимачилик фабрикасида 65 процент, Қоракўл йигирув фабрикасида 47 процент, Фарғона комбинатининг Тошлоқдаги филиалида эса 17 процентдан ошмайди. Қорақалпоғистон ва Қўрғонтепа бирлашмаларида кўпгина ёш тўқувчилар станокларга хизмат кўрсатиш нормасини уддалай олмаяптилар.

Мажлисни энг қолоқ корхоналардан бирида ўтказиш мумкин эди, албатта, — кўриб турганимиздек улар анчагина. Шунга қарамай, мазкур учрашув Тошкент тўқимачилик комбинатида ўтказилди. Тўқимачилик саноатининг байроқдори бўлган ушбу корхонада қийинчиликлар камроқ бўлгани учун шундай қилинмади. Ушбу корхонада камчиликларни қайд этиш билан бирга, қийинчиликларни қандай бартараф этиш, ҳамма учун фойдали бўлган тажрибани аниқлаш мумкин. Бу ерда бутун тармоққа хос бўлган долзарб муаммолар ҳам кўплаб топилади.

Яна бир характерли жиҳатни олиб кўрайлик: Олий Совет Доимий комиссияларининг мажлисига комбинат меҳнат коллективининг вакиллари ва депутатлар группаси таклиф қилинди. Бундан кузатилган мақсад равшан: район ва шаҳар Советларининг депутатлари конкрет ҳолатларни билишлари билан Олий Совет депутатларига ёрдам берадилар ҳамда ўз навбатида Доимий комиссияларнинг фаолиятидан анчагина нарсаларни ўрганишлари мумкин. Бу ҳар қандай семинардан афзалдир...

Комиссиялар Тошкент тўқимачилик комбинатининг бутун тармоқни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини яна мамнуният билан, аммо қисқача таъкидлайдилар, сўнгра ҳал этилмаган муаммоларга ўтадилар.

Корхонада машиналар ва станоклар парки суст янгиланмоқда, ўрнатилган ускуналардан эса суст фойдаланилмоқда. Ўнлаб ташкилий-техникавий тадбирлар ўз муддатида бажарилмади. Прогуллар кўп. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келди, маҳсулот сифатини оширишга тўсқинлик қилмоқда ва корхонанинг молиявий аҳволига таъсир кўрсатмоқда.

Бир қатор камчиликлар план органлари, министрликлар йўл қўяётган нуқсонлар билан изоҳланади. Аммо кўп нарса коллективнинг ўзига, корхона раҳбарларига боғлиқдир. Чунончи, ишчилар етишмайди. Аммо нима учун комбинат оталиққа олган мактабларда йигит ва қизларни касбга йўналтириш йўлга қўйилмаган? Ўтган йили комбинат жойлашган Фрунзе район мактабларини тамомлаб чиққан 640 нафар йигит ва қиздан атиги 10 киши комбинатга ишга кирди. Улар ўзларидан кейин мактабни тамомлаган қизларни ҳам комбинатга ишга киришга таклиф этиши номаълум. Чунки комсомол ташкилотининг етакчилари, касаба союз активлари ишга янги келган ана шу қизларнинг ҳар бири билан астойдил суҳбатлашишга вақт топмадилар. Ёш тўқимачиларнинг ҳар бири ҳам маҳорат ва анъаналар соҳиби бўлган ветеранлардан мураббий топа билмади.

Ётоқхоналар етишмаслигидан шикоят қиладилар. Бироқ мавжуд ётоқхоналарда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмаслигига, уларнинг баъзилари жуда ифлослигига ким айбдор? Телевизор у ёқда турсин, ҳатто комендантдан янги тўшак олиш ҳам амри маҳол? ...Оилавий ётоқхоналардаги манзара айниқса нохушдир. Комбинат раҳбарлари эса ёшлар истиқомат қилаётган уйларда камдан-кам бўладилар.

Ҳисоботлардан ёш йигирувчилар ва тўқимачиларнинг меҳнат унумдорлиги пастлиги маълум бўлди. Лекин бир қанча ҳунар-техника билим юртларида ҳамон эскирган машина ва станоклар ўрнатилган. Билим юртини тамомлаган ёш йигирувчи ва тўқувчи қизлар цехга келгач, зарур кўникмаларни янгидан ҳосил қилишларига тўғри келади. Бу борада қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада. Меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришда тажрибали ходимлар томонидан зарур даражада қўллаб-қувватланмаётган, айни вақтда кам ҳақ олаётган ишчи нима қилиши керак... Ўз фарзандини ясли ёки боғчага жойлаштира олмаётган ёш она нима қилиши лозим...

Корхона раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективи кенгаши мана шу барча саволларга аллақачон жавоб қайтаришлари мумкин эди. Социологик тадқиқотлар кўп нарсани равшанлантирган бўлур эди. Аммо тўқимачилик ва енгил саноат институти ва халқ хўжалик институти комбинатдан унча узоқда жойлашмаган бўлсада, корхона ҳамон уларнинг хизматидан фойдаланмади.

Бироқ адолат юзасидан шуни айтиш керакки, кейинги вақтда корхонада кўпгина камчиликлар тузатилиб, нуқсонларни бартараф этишнинг баъзи конкрет йўллари белгиланди. Коллектив комбинатда тартибни йўлга қўйишда масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилмаган ҳолда министрлик ва бошқа идоралардан ёрдам кутишга ҳақлидир.

Кўпчилик министрлик ва идораларнинг вакиллари мажлисда бўлиб, тегишли изоҳлар беришди, тавсиялар ва истакларни ҳисобга олишди. Чунончи, республика Енгил саноат министрлигига маблағларни тақсимлашда «қолдиқ принципи»дан ниҳоят воз кечиш таклиф этилди, — социал программаларни реал мустаҳкамлаш зарур. Ҳатто пойтахтдаги меҳмонларга сауна ва барларни кўрсатиш мумкин бўлган комбинатда ҳам медицина профилактикаси кўнгилдагидек эмас, болалар муассасалари, маданият масканлари тармоғи ғоят суст ривожланмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ўн йиллар давомида шаҳримизнинг фахри бўлган улкан корхона муаммоларидан ўзини четга олмаслиги керак.

Бу борада мақоламизнинг бошида берилган саволга қайтамиз: яхши тўқувчидан қандай қилиб маҳрум бўлиш мумкин? Тўғрироғи: уни коллективда қандай қилиб сақлаб қолиш керак? Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ҳозирги вақтда комбинатга ишга келаётганлардан кўра кўпроқ ишчи ишдан бўшамоқда. Корхонада минглаб жойлар бўш турибди! Ходимларни уй-жой билан таъминламаслик кўплаб салбий омиллардан биридир. Бу борада шаҳар ижроия комитети вакилининг позицияси рўй-рост айтамизки, депутатларни қониқтирмади.

Шаҳар ижроия комитети уй-жой қуришда комбинатнинг пайчилик асосида қатнашиши учун ундан миллионлаб сўм бадал олмоқда, коллективга эса эндигина уй бера бошлади. Аммо комбинат ходимларига берилаётган уйлар корхонадан одисда жойлашган. Умумий фикр-мулоҳазаларни важ қилиш тўқимачиларни қониқтирмайди. Гап ҳаммага яхши бўлишидагина эмас, балки ҳар бир одамга яхши бўлиши йўлида ишлаш ҳақида бормоқда. Квартирага ордер топширилиши одамларнинг кайфияти бузилишига сабаб бўлмай, балки чинакам байрамга айланиши керак.

Комбинат яқинида каттакатта уйлар қурилмоқда ва уларга навбатда турган кишилар кўчиб кирмоқда. Улар балки комбинатга Юнусобод ёки Қўйлиқдан ишга келаётган ўша тўқувчига қарши йўналишда йўлга чиқар... Эҳтимол, бунда электрон ҳисоблаш машинасини ёрдамга чақириш керакдир? У квартира олиш учун навбатда турган кишиларнинг транспортда юриши манфаатларини ҳам ҳисобга олсин. Бу шаҳар ижроия комитетининг юмушларини ҳам анча енгиллаштиради. Комбинатнинг қурилиш кооперативи, болалар муассасалари ва магазинлар тармоғини ривожлантириш тўғрисидаги таклифларини ҳам диққат билан ўрганиб чиқиш лозим.

Қарор қабул қилинди. Бироқ тўқимачилик саноатида ишлаб турган ёшларнинг юқори унум билан меҳнат қилиши, турмуши ва дам олишини ташкил этиш, социал-сиёсий активлигини ошириш учун шароит яратиш тўғрисидаги масала ҳали тўла ҳал этилганича йўқ.

Доимий комиссиялар биргаликда контрол қилишнинг иш планини тасдиқладилар. Улар Енгил саноат министрлиги, Тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитети, Халқ таълими министрлиги мазкур қарорга қандай муносабатда бўлишларини шу ойнинг ўзидаёқ текширадилар. Бир қанча корхоналарда белгиланган тадбирлар бажарилишини ўз вақтида текшириш учун депутатлар постлари таъсис этилди. Тайёргарлик группаси эса келгуси йилнинг август ойида кўриб чиқиш учун мана шу барча материалларни умумлаштиради.

Жиддий, узоқ муддатга мўлжалланган ва тўла самара бериши кутилаётган программа мана шундан иборат.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

• *Фотоайбнома*

Ҳотамтойлар

Суратда кўраётган манзарага қандай баҳо берасиз? Бу каби манзаралар Қарши районидаги «Аврора» посёлкасининг теварак-атрофини «безаб» турибди. Қарши чўлқуварларига дахлдор икки йирик қурилиш бирлашмалари — «Каршистрой» ва «Каршистройиндустрия» хилма-хил корхоналари шу ерларда жойлашган. Ҳар иккала қурилиш идораси раҳбарларининг айби билан посёлкада темир-терсакнинг ана шундай тепаликлари ҳосил бўлган. Бу тепаликлар 5 гектар майдонни эгаллаб ётибди.

Металл тепаликлар кўпайиб, кенгайиб боряпти. Ҳар йили бу ерда 70-80 техника бирлигигача транспорт воситалари яроқсизликка чиқарилади, уларнинг атиги 200—250 тоннаси темир-терсак сифатида топширилиб, қолганлари автотараждан 30—50 метр нарига элтиб ташланади.

Рейд ўтказилган куни мутахассисларнинг ҳисоби бўйича шу ерда 14 минг сўмликка яқин салкам 500 тонна металл парчалари борлиги аниқланди.

Ҳақли савол туғилади. Шу ердаги қурилиш ва автотранспорт корхоналари раҳбарлари халқ мулкига нисбатан нега бунчалик хўжасизларча муносабатда бўлмоқдалар? Ҳолбуки, давримиз ҳар бир сўм ва тийинни тежашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку!

Суратда: хўжасизлик кўринишларидан бири: ташландиқ темир-терсаклар.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ).

• *Редакцияга хат*

СУТ НЕГА ҚАЙТАРИЛЯПТИ?

Мусобақа шартларининг бажарилиши шерикларга ҳам боғлиқ. Дарвоқе, 2 сентябрь куни эрталаб соат 9 дан соат 13 у 50 минутгача Тўрткўл район сут заводида электр энергияси бўлмаганлиги сабабли район хўжаликларининг 1422 килограмм сути ачиб қолди. Хўжаликларга қайтариб юборилди.

Бунга ким айбдор? Электр тармоғининг бир кун олдин огоҳлантирмаганлиги натижасида «Ленин йўли» колхозидан 75 килограмм, «Совет Ўзбекистони» колхозидан 213 килограмм, «Победа» колхозидан 110 килограмм, Димитров номли колхоздан 130 килограмм, Ильич номли колхоздан 50 килограмм, Энгельс номли колхоздан 146 килограмм, «Ленинизм» совхозидан 275 килограмм, «Партия XXV съезди» совхозидан 159 килограмм, «СССР 60 йиллиги» совхозидан 95 килограмм, «Пахтаобод» совхозидан 150 килограмм сут қайтарилди.

Қайтарилган сут эвазига кўрилган зарар 484 сўм 90 тийинни ташкил этди. Бу қанақаси? Ахир ҳар килограмм сут учун қанчадан-қанча емхашак сарфланган, соғувчилар, чорвадорларнинг меҳнати сингса-ю, заводнинг муносабати бунақа бўлса!

Район электр тармоғи бошлиғи Муротбой Ерғалиевдан бунинг сабабини сўраганимизда, у «Бундан менинг хабарим йўқ. Нукусда эдим. Тўғри, камчилик бўлгандир. Линия шикастланган бўлиши мумкин. Ходимларимиз сут заводидагиларга бу ҳақда эслатишмабди-да», — деди бепарволик билан.

Кўриб турибсизки, аҳволни ўнглаш кафилини оладиган киши йўқ. Электр тармоғи бошлиғининг эса сут заводидаги аҳволга алоқасиздек айтган гаплари кишини таажжублантиради. Электр тармоғи биринчи марта носоз ишлаётгани йўқ. Бунақа ҳодисалар сабабли сут ачиб қолса, қайтарилса, биз кимга мурожаат этайлик ахир?

Матчон ҚУЛУМБЕТОВ,
Тўрткўл район агросаноат бирлашмаси рансининг чорвачилик бўйича ўринбосари.

АКТИВЛАР ЙИҒИЛИШИ

БОКУ, 20 сентябрь. (ТАСС мухбири). Бокуда Озарбайжон ССР партия, совет ва хўжалик органлари ходимлари активларининг йиғилиши бўлди. Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Х. Везиров Тоғли Қорабоғ автоном областидаги аҳвол тўғрисида ахборот берди. У сўнгги вақтда республиканинг автоном областида юз берган жамиятга зид хатти-ҳаракатлар хусусида батафсил тўхталди, аҳоли орасида олиб бориладиган ишларни кучайтириш, миллатлар ўртасида тўқнашув чиқишга йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади, Тоғли Қорабоғда аҳволни нормаллаштириш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида сўзлаб берди.

Шу куни Бокудаги саноат корхоналарида, ўқув юртларида ва муассасаларда мазкур масала юзасидан Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари сўзга чиқдилар.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Илгари хабар қилинганидек, кейинги кунларда Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазият анча кескинлашди, арман ва озарбайжон миллатига мансуб кишилар ўртасида рўй берган тўқнашувлар оғир оқибатларга олиб келди. Озарбайжон ҳамда Арманистоннинг партия ва совет органлари, корхоналарнинг коллективлари, жамоатчилик вазиятнинг тобора чигаллашувига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилмоқдалар. Ишчилар синфи, қишлоқ меҳнатчилари, юксак масъулият ва вазминлик кўрсатиб, корхоналарнинг, транспортнинг, колхоз ва совхозларнинг нормал ишлашини таъминламоқдалар. Шунга қарамай, масъулиятсиз унсурлар, биринчи навбатда Тоғли Қорабоғ автоном областидаги шундай унсурлар кескинликни кучайтиришни давом эттириб, атайин тартибсизликлар чиқармоқдалар, ўт қўймоқдалар ва ҳуқуққа зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилмоқдалар. Ереванда бўлиб ўтган бир қанча митингларда гиж-гижловчи даъватлар янгради. Озарбайжон ССРнинг баъзи аҳоли пунктларида ҳам худди шундай даъватлар қилинди.

Жамиятга зид кўринишлар ҳар иккала республикадаги кўпгина гражданларни асосли равишда безовта қилиб, ташвишга солмоқда. Партия ва совет органларига меҳнаткашлардан аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, ўзбошимчаликларни тўхтатиш, аҳолининг нормал турмушга хавф солаётган масъулиятсиз шахсларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйиш учун қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги кўпдан-кўп мурожаат ва илтимосномалари келиб турибди. Одамлар ҳамма жойда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот таъминланишини талаб қилмоқдалар.

Ҳуқуқ-тартибот органлари жамоатчилик билан бирга зарур чораларни кўрмоқдалар. (ТАСС).

СССР—АҚШ:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

20 сентябрь куни Тошкент яқинидаги Қибрай посёлкасида иш бошлаган халқаро симпозиум совет корхоналарининг «Пепсико» фирмаси билан ҳамкорлигининг янги босқичига бағишланган. Унда фирма вакиллари, «Пепси-кола» ичимлиги ишлаб чиқараётган барча совет заводларининг мутахассислари, СССР Давлат агросаноат комитетининг ходимлари қатнашмоқдалар.

Ана шу машҳур салқинлатувчи ичимликни Совет Иттифоқида ишлаб чиқариш юзасидан битим тузилганига 15 йил бўлди. Шу даврда 128 миллион декалитрдан кўпроқ «Пепси-кола» ишлаб чиқарилди, бу ичимлик мамлакатнинг барча регионларидаги йигирмата корхонада шишаларга қуйилмоқда.

Ана шу корхоналарнинг энг йирикларидан бири — Қибрай комбинатидир. Фирма вакилларининг баҳосига қараганда, бу корхона ҳар жиҳатдан яхши. Мана шунинг ўзи семинар ўтказиладиган жойни белгилаб берди, бу семинарда фирма мутахассислари совет ҳамкасбларини ичимликни ишлаб чиқариш ва шишаларга қуйишдаги технология янгиликлари билан таништирадилар. Маҳсулот сифатини яхшилаш, уни сақлаш муддатларини узайтиришга алоҳида эътибор берилади.

— Ҳозирги вақтда айни маҳсулот сифати товарнинг рақобат қобилиятини оширишнинг асосий резервига айланмоқда, — деди ЎзТАГ мухбирига «Пепси-кола» фирмасининг СССРдаги вакили Карл Нигль. — Шу сабабли биз маҳсулот сифатига баҳо бериш ва унинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш билан шуғулланадиган катта лаборатория барпо этдик, СССР Давлат агросаноат комитети илмий ташкилотлари, сиздардаги энг яхши корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Совет мутахассисларининг ёрдами айни муддао бўлди. Биз «Танеи» («Рақс») деган янги ичимликни биргаликда ишлаб чиқдик. Уни ишлаб чиқариш учун зарур концентрат Совет Иттифоқида узум шарбатидан тайёрланади, «Пепсико» компанияси эса унга махсус қўшиладиган моддаларни етказиб беради. Бу қўшилмалар ичимликка апельсин таъмини беради. Бу ичимлик октябрь ойининг ўрталарида магазинларга чиқарилади.

Симпозиум давомида унинг қатнашчилари ҳамкорликнинг бошқа истиқболли шаклларини, машина-ускуналарни ишлаб чиқариш ва уларга хизмат қилиш муаммоларини, алкоголсиз ичимликларни реклама қилиш муаммоларини ҳам муҳокама қиладилар.

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ
1988 йил, сентябрь,
№ 8—9 (170)

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ТАКРОРЛАНИШИ БИЛАН АФЗАЛ

• XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси нуқтаи назаридан

ДАДИЛ ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК

Бутуниттифоқ партия конференцияси ишида қатнашар эканман, мамлакатимизда қайта қуриш жараёнига тўсиқ бўлаётган фактлар айнан бизнинг коллективимизда, шаҳримиз ва областимизда ҳам мавжуд эканлигини қалбан ҳис этиб турдим.

Қайта қуришнинг ҳозирги даври ҳар бир кишига, аввало эркин ижодий меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратишни тақозо этади. Содда қилиб айтганда, ишчи-хизматчи унумли меҳнат қилиши ва шунга яраша мазмунли ҳордиқ чиқара олиши лозим. Бусиз кутилган натижага эришиб бўлмайди. Автокорхонамизда бу муаммоларни ҳал этишда дастлабки дадил қадамлар қўйилди.

1986 йили автокорхонамиз атрофидаги ташландиқ майдонни шаҳар Совети ижроия комитетидан сўраб олдик. Ўз кучимиз билан ерларни текислаб, тош-шағал тўкдик. Алоҳида қурилиш бригадаси тузиб, смета қиймати 45 минг сўмлик маиший хизмат комплекси қурилишини бошлаб юбордик. Эндиликда ҳайдовчилар ишдан кейин ҳатто бағли ҳаммомга тушишлари ҳам мумкин. Бундай комплекс ҳозирча бошқа бирорта автокорхонада йўқ.

Яқинда ҳар сменада 500 автомашинани заправка қилиш қувватига эга бензоколонка ишга тушди. Чойхона, нонвойхона, озиқ-овқат магазини фойдаланишга топширилди. Қурилиш бригадаси аъзоларининг бевосита иштирокида маъмурий бинони ҳам битирамиз. Демоқчиманки, меҳнат ва дам олиш учун шароитни асосан ўз кучимиз, коммунистларимиз ташаббуси билан яратяпмиз.

Аммо мени кўпроқ ечими бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ташвишлантиради. Яқинда область автомобиль трести ҳамда автоколонналар партия ташкилотларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда мен меҳнат қилаётган автоколонна бошлиғи Г. Гусенов «ҳозирги шароитда трест керакми?» деган масалани ўртага ташлади. Тўғри, балки масалани бу қадар кўндаланг қўйишга ҳали эртадир. Бироқ трестдаги ўртоқларнинг фаолиятсизлиги кўп ҳолларда ишимизга халал бераётгани рост. Жумладан, яқинда трестга аккумулятор келганлигини эшитиб қолдик. Ўнлаб автомашиналаримиз фақат аккумулятор йўқлиги учун юрмаётганди. Буни қарангки, ўша аккумуляторларни автокорхоналарга тақсимлаш учун трестга... 3 ҳафта керак бўлди. Трестга турли формалардаги ҳисоботларни тайёрлаш ҳам кўп вақтни олмоқда. Ўзингиз ўйланг, ўша трестдаги 50-60 ходим қоғозбозлик билан шуғулланмаса, бошқа нима иш қилишлари мумкин? Менимча, аппаратда ишлайдиган «масъул ходимлар» сонини кескин қисқартириш лозим.

Планларнинг ҳалигача юқоридан мажбурий тарзда белгиланиши ишимизга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Фонд, лимит деган сўзлар эса бунга қарама-қарши. Зарур пайтда ёнилғи лимити-ю эҳтиёт қисм фонди тамом бўлганлигини рўкач қилишиб, «ишнинг белига тепиб» туришаверишади. Шунинг учун автокорхоналарнинг тўғридан-тўғри заводлар билан алоқа қилиб, зарур эҳтиёт қисмларнигина буюртма тарзида ундириб олишига йўл бериш керак. Ҳозир қандай? Ҳозир бизга кераги трестда йўқ. Кераксизлари қалашиб ётади. Хуллас, бажарадиган ишимизни молиявий қудратимизга қараб ўзимиз белгилашимиз лозим. Шунда давлатга кўпроқ фойда берамиз.

Яна бир муаммо — командировкалар хусусида. Ҳайдовчилар ҳафталаб узоқ йўлларда юришади. Кўп ҳолларда куни билан рулда юрган шоферлар кечаси яна кабиналарда тунашмоқда. Шундай экан, ҳайдовчиларга командировкалар пайтида шароит яратиш масаласини пухтароқ ўйлаб кўриш керак. Узоқ рейсларда қатнайдиган шоферлар ҳафталаб, ҳатто ойлаб уйларида бўлмайдилар. Балки шундай кишиларнинг уйларига телефон ўтказиш керакдир.

Дарвоқе, кўча тасодифлари кўп жиҳатдан йўлларнинг ҳолатига боғлиқ. Иттифоқимиздаги бир қатор шаҳарлар автомобилчилари бу масалани жиддий қўяётганликлари тўғри. Бизда ҳам йўлнинг ҳолати талабга жавоб бермайди. Қолаверса, йўлнинг носозлиги туфайли содир бўлаётган авариялар учун йўлсозлар ҳам жавоб беришлари лозим. Ана шунда уларнинг ўз ишларига масъулиятлари ошади.

Партия конференцияси кунлари 7 нафар делегат-ҳайдовчилар бригадири билан ўзаро тажриба алмашдик. РСФСР Автомобиль транспорти министри Ю. С. Сухин билан учраштик. Министрликда бўлиб, тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш лозимлигига ишонч ҳосил қилдик. Янаги йилдан коллективимизда меҳнатнинг шу усулини тўла жорий этамиз.

Меҳнаткашлар транспорт хизматидаги камчиликлардан ҳақли равишда нолимоқдалар. Кишиларнинг автобус кутиб соатлаб қуёш тиғида қолиб кетишлари, ҳайдовчиларнинг қўпол муомалалари кўплаб шикоятларга сабаб бўлаётир. Ўз навбатида ҳайдовчилар ГАИ ходимларининг бўлар-бўлмасга тўхтатиб, соатлаб ҳужжат текширишларини ўринсиз, деб қораламоқдалар. Бундай ҳоллар баъзан ташилаётган ёз неъматларининг сифати бузилиб қолишига сабаб бўмоқда.

Яна бир гап. Автокорхонамизда апрель ойи плани бажарилмасдан қолди. Ўша ойда ГАИ техника кўригини ўтказганди. Аслида биз кўрикни Белоруссия методи асосида ташкил этгандик. Яъни ишни тўхтатмадик. Барибир ой якунида пландагидан 15 минг тонна кам юк ташиганлигимиз маълум бўлди. Демоқчиманки, техника кўриги давомида корхоналар кўп вақт йўқотяпти.

Хуллас, Бутуниттифоқ партия конференцияси олға ҳаракат йўналишларини белгилаб берди. Бу йўлда эришилган, ўрганиб олинган энг яхши тажрибаларни дадил жорий этиш умумий тараққиётга мадад кўрсатди.

Эргаш ЖУРАБОЕВ,
Жиззахдаги 2517-автоколонна ҳайдовчилар бригадири, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.

ЖАМИЯТИМИЗ ШУНИСИ БИЛАН КУЧЛИ, СОЦИАЛИЗМ ШУНИСИ БИЛАН КУЧЛИКИ, МУВАФФАҚИЯТЛАР ТАЖРИБАСИДАН, АЙНИҚСА ЯНГИ ИПИРИҚ МАСАЛАЛАР ЭНДИГИНА ҲАЛ ҚИЛИНАЁТГАН БОШЛАНГИЧ БОСҚИЧДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР ТАЖРИБАСИДАН БОШҚАЛАРНИНГ ҲАММАСИ ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН. ХУДДИ АНА ШУ НАРСА БИЗНИНГ АМАЛДАГИ СОЦИАЛИСТИК КОЛЛЕКТИВИЗМИМИЗ, БИЗНИНГ СОЦИАЛИСТИК ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ СИСТЕМАМИЗ БЎЛИБ, У ЖУДА КАТТА ПОТЕНЦИАЛ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГАДИР. ТАЖРИБА АЛМАШУВ — БУ БИЗНИНГ ОЛҒА ТОМОН ҲАРАКАТИМИЗНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ ОМИЛДИР.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

• Мусобақа: суръат, сифат ва тежам

ЗИЧЛАШГАН ЗОНАДА

Марғилон ипак комбинати тўқувчиси Маъмура Маҳмудова меҳнат календарида 1989 йилнинг декабрь ойи бошланди. Моҳир ишчи нормадаги 4 ўрнига 6 та дастгоҳда ишлаётгани, вақт ва моддий ресурсларни тежаётгани учун ҳам шундай ютуқларни қўлга киритяпти.

Маъмура комбинатнинг шу йил декабрида бўладиган 60 йиллик юбилейигача янаги йил планини ҳам бажариш иштиёқида. Унинг издошлари Ҳабиба Ҳакимова ва Фотима Умарова ҳам суръатга-суръат қўшяптилар.

А. ҚУТБИДДИНОВ.
Фарғона области.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ТУФАЙЛИ

Чортоқдаги 84-участка — Наманган область ремонт-қурилиш трестининг энг яхши бўлинмаларидан бири. Беш йилликнинг учинчи йилида камида 1 миллион сўмлик иш бажаришга аҳд қилган участка коллективи йил бошидан буён планга қўшимча 71,5 минг сўмлик ишни адо этди.

— Ўтган йилнинг охирларида коллективимиз хўжалик ҳисоби усулида ишлай бошлаган эди, — деди участка бош инженери Бойдада Жўраев. — Ҳозир суръат тезлашиб, кўриладиган моддий фойда кўпайди. Энг муҳими, исрофгарчиликка барҳам берилди.

Участка бунёдкорлари 16 квартирали уй, касалхона, мактаб ремонтини сифатли тамомлаб, 16 минг квадратметр ерга асфальт ётқизишди.

М. ТОЖИДДИНОВ.
Наманган области.

ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР

Шаҳрисабз арақ-вино заводи алкоголсиз ичимликлар корхонасига айлантирилгач, бу ерда ишлаб чиқарилаётган хилма-хил шарбат ва яхна ичимликларга қизиқиш ортиб кетди.

Қуйиш цехи ишчиси, шаҳар Совети депутати Ойдин Аҳмедова смена нормасини муттасил ошириб бажаряпти.

— Узум, олма шарбатларидан ҳар хил хушбўй ичимликлар тайёрлаяпмиз, — деди у. — Вақтдан, техникадан унумли фойдаланишга интилиб, шиша идишларга лаззатли суюқликлар қуйиш смена нормасини доим ошириб адо этяпман.

Цехлар реконструкция қилинмоқда, мукаммал қуйиш линияси, совутиш қурилмаси монтаж қилинмоқда. Шунга мувофиқ электр тармоғи ҳам кенгаймоқда.

— Колхоз ва совхозлар ҳамон сифатсиз мевалар юборяпти. Бу ҳам ўзига хос муаммо бўлиб турипти, — деди завод директори Кураш Сойимов.

М. КАРИМОВ,
Қашқадарё области.

• Ишчи минбари

ҚОЛОҚЛАР ЙЎҚ

Цехимиз ишчиларининг ҳаммаси турдош касбларни эгаллаб олишган. Бирининг ишини зарур бўлиб қолган тақдирда бошқаси бажараверади. Яқинда йиғувчи-слесарларимиздан бири узрли сабаб билан ишга кела олмади. Шунда унинг ўрнида ишладим. Айни пайтда ўзимнинг асосий ишим бўлган кесувчиликни ҳам тўхтатмадим.

Хуллас, икки кишилик ишни бемалол бажарганим коллективни мамнун этди. Малакали ишчи бир вақтда бир неча операцияни муваффақиятли бажара олиши мумкин эканлигига ишонч уйғонди.

Ишчи сифатида нимага эришган бўлсам, ҳаммаси учун ҳамкасбим, моҳир кесувчи Валерий Кошелевдан миннатдорман. У ўзи шундай маҳорат билан ишлайдики, кўрган кишининг завқи келади. Мен яхши ишлаш сирларини кўпроқ шу касбдошимдан ўрганганман.

Тома-тома кўл бўлур деганларидек, тежалган дақиқалар ва минутлар унумдорлик ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қиляпти. Биз иш орасидаги қисқа танаффусларга кам вақт ажратамиз. Иш вақтида бефойда ҳаракатларга йўл қўймаймиз. Бунинг учун ишдан ташқари вақтларда кейинги сменага аввалдан тайёрлик кўрамиз.

Бу жиҳатдан Евгений Чернов, Владимир Куликов, Баҳодир Селимов, Алексей Ченяев, Сергей Батаев, Зоя Дегтярева, Леонид Богуславский каби ишчилар ва бригадирлар тажрибаси ибратлидир. Улар ва издошлари олий сифатли маҳсулот тайёрлаб, буюмларни шахсий тамға белгиси билан дастлабки тақдимдаёқ топширяптилар. Бу новаторларнинг тажрибалари бутун цехимиз коллективининг мулкига айланмоқда.

Шу сабабли цехимизда қолоқлар йўқ. Иқтисодий ислоҳот ҳар бир ишчи психологиясига катта таъсир ўтказди. Ўз корхонасининг қўжайини туйғуси ишчи қалбида барқарор вужудга келди. Мустаҳкам интизом ва тартиб учун кураш ишчилар фаолиятининг мазмунига айланган.

Якка отнинг донги чиқмас, дейишлари бежиз эмас. Корхонамизда илғорлар, ўз ишининг усталари кўп. Бу— яхши. Бироқ шу тажрибалар кенг ёйилиши, ҳамманинг мулкига айланиши учун кўп иш қилиш керак. Илғор тажрибалар— такрорланиши, кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши билан афзал.

Ишчилар кайфияти яхши, иштиёқлари баланд. Лекин уларга мукаммал шарт-шароит яратиш ҳақида қайғуриш керак. Ишимиз ҳамон тўла механизациялашмаган. Қўлда бажариладиган ишлар салмоғи юқори. Тўғри, ўтган йилдагига нисбатан ижобий силжишлар сезилмоқда. Аммо бу ҳозирги талаблардан анча орқада. Хом ашё, маҳсулотларни ташиш, жойлаш, сақлаш, баъзи операцияларни бажаришда кўп қийинчилик туғилмоқда.

Бундан буён ҳам вазифаларни сидқидилдан бажариб бораверамиз, хўжалик ҳисоби афзалликларини маҳорат, иштиёқимиз билан рўёбга чиқаришга интилаверамиз.

Рустам МУХАМЕДШИН.
Тошкент «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси металл қирқувчиси.

Хатирчи районидаги йўл қурилиш-ремонт бошқармаси экскаваторчиси Муҳаммади Ғаффоров иш вақтидан, техникадан унумли фойдаланиб, топшириқларни муттасил ошириб бажараётир. Ҳар куни у нормадаги 300 ўрнига 400 куб метргача етказиб тупроқ шағал ишларини бажаряпти.

Суратда: илғор экскаватор машинисти М. Ғаффоров.

А. ЭЛМУРОДОВ фотоси.

• Қайта қуриш чорраҳаларида

ЧИДАГАНЛАР ҚОЛАРМИШ

ЕКИ ОЛТИНКЎЛ ТРИКОТАЖ МАТОЛАР ФАБРИКАСИДА КАДРЛАР ҚАДРСИЗЛАНАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Андижон областидаги Олтинкўл трикотаж матолар фабрикаси учун кадрлар тайёрлаш иши шошма-шошарлик билан чуқур ўйланмай ҳал қилинди. Натижада кўплаб тайёр кадрлар фабрикага ишга киролмай сарсон юришибди.

Фабрика пойдевори қурила бошлагач, дастлаб «унда 4 минг ишчи ишлайди» деган сафсатага ишонган район раҳбарлари енг шимариб ишчи кадр тайёрлашга киришдилар. 243 нафар ишчи РСФСРнинг турли шаҳарларига ўқишга юборилди. Ўқишни битириб келган ёшлардан 192 нафари ҳозир фабрикага ишга киролмай овора бўлиб юришибди. Ўз навбатида республика Енгил саноат министрлигининг топшириғига биноан, Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бу районнинг йигит-қизларидан бир гуруҳига иш ўргатиб, ўқитиб фабрикага жўнатдилар. Бу ерда меҳнат қилаётган 700 кишининг деярли 80 процентини ана шу ишчилар ташкил этади. Қолаверса, 1985 йилда райондаги 14 ҳунар-техника билим юрти ҳам зудлик билан янги корхона учун кадрлар тайёрлашга сафарбар этилди. Бунда на билим юртининг мутахассис ўқитувчи кадри, на ишлаб чиқариш практикаси учун шароит борлиги инобатга олинди. Оқибатда бир амаллаб тайёрланган 380 ишчи ҳозир фабрикага ортиқча бўлиб қолди. Бунинг устига билим юрти фабрика учун кадрлар тайёрлашни қизғин давом эттирмоқда.

Ишчи кадр тайёрлашга зўр берилган ҳолда, мутахассис кадрлар тайёрлашга эътибор берилмаган. Оқибатда фабрикада лаборант, химик, экономист, инженер-технологлар етишмаяпти.

Сентябрь ойида фабрика ишга тушганига бир йил тўлади. Ҳозир 70 процент қувват билан ишлаяпти. Иш икки сменада ташкил этилган.

Цехларни айланар эканмиз, кўп тўқув дастгоҳлари ва агрегатлар ишлатилмаётганининг гувоҳи бўлдик. Биргина тўқув цехида 58 та янги дастгоҳ бекор турибди. Улар ўраб қўйилибди. Фабрика бош инженери Қодиржон Мамазокиров бу фактни қуйидагича изоҳлади:

— Дастгоҳлар ГДРдан келтирилган. Ҳар бирининг нархи 16-18 минг сўм туради. Афсуски, буларда тўқилган матоларни сотолмаяпмиз. Ҳозир омборимизда шу дастгоҳларда тўқилган 244 тонна мато тўпланиб ётибди. Чортоқ, Жиззах трикотаж-тўқувчилик фабрикалари хўжалик ҳисобига ўтгач, улар болалар кийими учун тўқилган бу трикотаж матолар фойда келтирмаслигини баҳона қилиб, матони олишдан бош тортдилар. Шу сабабли дастгоҳларни ишга туширмаяпмиз.

Айрим дастгоҳ ва линиялар эса хом ашё йўқлигидан бекор турибди. Фарғона, Тошкент тўқимачилик комбинатлари ва Қўқон ип йигирув фабрикаси шартлашилган хом ашёни вақтида етказиб бермаяптилар. Шунингдек, тўқув дастгоҳларидаги оддий игналарнинг синиб қолиши ҳам уларнинг бир маромда ишлашига ҳалақит бермоқда. Эҳтиёт қисмларга буюртма фақат келгуси йилдан бериларкан.

Иш бир меъёрда бормагач, кадрлар қўнимсизлиги ҳам авж олаётир. Биргина шу йилнинг ўзида 124 нафар трикотажчи ишдан кетди.

— Фабрикамизда ишчилар қўнимсизлиги ўн процент атрофида бўлиши кўзда тутилган, — дейди фабрика директори Жакбарали Раҳмонов. — Шунча ишчи навбатда тургандан кейин нима ҳам қила олардик.

Қизиқ, биз юқорида тилга олган, бекор турган дастгоҳлар резерв эмасми? Қолаверса, ишчиларнинг ҳадеб алмашавериши сифат кўрсаткичларига ҳам таъсир этади-ку?

— Йўқ, — дейди директор, — бизда чидаганлар ишлаб қолади.

Корхонада «ишчиларнинг чидаб» меҳнат қилиши учун зўр шароит яратилган, деб ўйласангиз янглишасиз.

Фабрикани «Андижанир строй» трестига қарашли Шаҳрихон, Марҳамат, Пахтаобод, Андижон қурилиш-монтаж участкаларининг бинокорлари сифатсиз тиклаганлар. Ёғингарчилик бўлди дегунча, шипдан чакка ўтади. Қишда иситиш батареялари илимайди ҳам. Эшик-деразалар қинғир-қийшиқ ўрнатилган. Санузел ва душ михлаб ташланган. Пардозлаш ишлари ҳам ниҳоятда дидсиз бажарилган. Юқоридаги камчиликларни тугатиш учун фабриканинг бир йилгача ҳаққи йўқ эмиш. Қурган ташкилотдан талаб қилишга эса тиллари қисиқлик қиляпти.

Мавжуд аҳвол XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, СССР Министрлари Советининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бозорни таъминлашни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарори корхона маъмуриятига дастуруламал бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

Районда малакали ишчи-кадрлар кўп. Шундай экан, фабрикани кенгайтириш, ёхуд турдош фабрика бунёд этиш мақсадга мувофиқ эмасми? Акс ҳолда кадрлар қадрсизланиши бундан ҳам ортиб кетиши турган гап.

М. МИРЗАЕВА.
Олтинкўл район «Коммунистик меҳнат учун» газетаси бўлим мудири.

• Туб иқтисодий ислоҳот амалда

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Янги шароитда ишлаяпмиз. Тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва харажатларни қоплаш усулида ишлашга пухта тайёргарлик кўрилди. Бу тўрт ойдан кўпроқ вақтни олди. Лекин шу тўрт ойлик тараддуд зое кетмаганлигига онд қатор мисоллар келтириш мумкин.

Дастлаб махсус комиссия тузилди. Комиссия тўла хўжалик ҳисобининг моҳияти ва масъулияти ҳақида коллективда кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Бир қанча ташкилий ва техникавий тадбирлар тузилиб, амалга оширилди.

Бугунги кунда меҳнат коллективи кенгаши ҳам катта фаолият кўрсатяпти. Ходимлар аттестациядан ўтказилди. Янги нормативлар асосида уларнинг рўйхати ва мансаб маошлари қайта кўриб чиқилди. Барча категориядаги ходимларни мукофотлаш тўғрисида янги низом ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Айрим маҳсулот турларининг идоравий қабули жорий этилди. Иш сифатини бошқаришнинг комплекс системаси қўлланила бошланди.

Асосий фондлар ва ишчи ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида «КамАЗ» автомобилларига техника хизмати кўрсатувчи участкалар ва мотор цехи икки сменали режимга ўтказилди. Уч бригада умумий ишга қўшаётган меҳнат ҳиссаси коэффициенти ва ишнинг пировард натижаларига қараб ҳақ тўлаш системасида ишламоқда. Ишнинг бир меъёрда бориши ва бекор туриш ҳолларини камайтириш мақсадида корхонада бош механик хизмати ташкил этилди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор, механик-инженер Бозорбой Усмонов раҳбарлик қилмоқда.

Эндиликда корхона ходимларига ғамхўрлик ва социал-маиший хизмат кўрсатишга эътибор кучайди. Уй-жойлар, социал объектлар қуриш ва уларнинг ремонтини заводда тузилган янги қурилиш-монтаж бригадаси олиб бормоқда. Шу бригада ва дурадгорлик, пайвандлаш, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш участкалари ҳозирнинг ўзидаёқ хўжалик ҳисобида ишлашга кўчди.

Яна бир янгилик. Йиллик план режалари тузилишидан аввал завод биринчи марта буюртмачилар билан шартнома тузиб, ўз асосий иш йўналишини аниқлаб олди. Аввалига «КамАЗ» машиналарининг ўртача ремонти билан шуғуллана бошладик. Яқин вақтлар ичида шу маркадаги машиналарнинг яна да мураккаб ремонтларини ҳам адо этишга ўтамиз. Бунга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. «Узавторемонт» республика саноат бирлашмаси бизнинг бу режамизни маъқуллади. Айни кунларда шу тадбир рўёбга чиқиши учун талай ишлар қилинди. Масалан, ёнилғи аппаратларини текшириш ва созлаш, форсункалар ремонти учун стендлар ўрнатилди. Аккумулятор ремонти цехи иш бошлади.

Мана шу ишлар қайта қуриш талаблари тезроқ амалга оширилиши учун кўрилган муҳим чоралар эканлигини кадрларимиз чуқур тушуниб олишди. Улар бу тадбирнинг нечоғли муҳимлигини ва туб иқтисодий ислоҳот рўёбга чиқишига мадад кўрсатишини чуқур мулоҳаза қила бошладилар. Раҳмон Жумамуротов раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ягона наряд асосида меҳнат қилиб, қайта қуриш афзалликларини амалда намоён этмоқда. Новатор ишчилардан Г. Пуляев, Б. Усенов, Я. Макарчев, А. Али, У. Қўйшибоев, А. Хайруллин, П. Абдухолиқов, А. Киясов ремонт ишларининг суръати ортиб, сифати яхшиланишида жонкуярлик қилишяптилар. Дастлабки қадамлар қутлуғ қадамлар эканлигини бугунги иш натижалари кўрсатиб турибди. Саккиз ойлик планлар орттириб бажарилди. 870 минг сўмлик ўрнига 875 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Белгиланганидан 15 минг сўмлик кўп товар маҳсулот тайёрланди. Маҳсулот реализация қилиш топшириғи адо этилди. Шартнома мажбуриятлари бажарилди.

Ўтган ойлар давомида ёғоч-созлик цехи реконструкция қилинди. Кўпгина участкаларда қўл меҳнати билан бажариладиган ишлар механизация зиммасига юкланди. «КамАЗ»ларнинг ёнилғи аппаратурасини ремонтдан чиқариш ва созлаш ишлари тўла ўзлаштириб олинди.

Шу тарика «КамАЗ» машиналари ремонти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар очилди. Автоном Республикада 3500 тадан кўпроқ шундай машиналар бор. Уларни бизнинг заводимизда марказлаштирилган техникавий, хизмат кўрсатишдан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки корхонамизда бунинг учун ҳамма имкониятлар, асбоб-ускуналар мавжуд. Кадрларимиз ҳам малакали. Шундай қилинса, «КамАЗ»лардан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти ортади.

А. ЮСУПОВ,
Нукусдаги 16-авторемонт заводи ишлаб чиқариш бошлиғи.

ЖОМИЙ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Келаси йил куз фаслида буюк тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий туғилган кунга 575 йил тўлади. У ўзидан сўнг бой ижодий мерос қолдирган. Теология, поэтика, нотиқлик санъати, эпистолография соҳасидаги асарлари шулар жумласидандир. Серқирра истеъдод соҳиби бўлган Жомий ўз қобилиятини ёзувчи, файласуф сифатидагина эмас, айни вақтда музикашунос сифатида ҳам намоён этган.

Гарчи шундай бўлса-да, Жомий ўзининг бадиий асарлари билан катта шуҳрат қозонди. «Фотуҳат-Ушшабоб» («Ёшлик» ҳақида), «Воситат-бул-икд» (Камолот дурдоналари), «Хотимат-ул-ҳаёт» (Ҳаёт интиҳоси) деган учта ғазал девони, етти достондан иборат «Хавт авранг». (Етти тож ёки катта айиқ юлдузлар туркуми), шунингдек бир қанча насрий асарлар буюк сўз устасининг қаламига мансубдир. Жомий назм жанрининг маснавий, қасида, ғазал, рубоий каби барча анъанавий турларида муваффақият билан ижод қилди. Алишер Навоийнинг устози ҳамда содиқ дўсти бўлган Жомий ўз ижодида инсонпарварлик ғояларини фалсафий жиҳатдан умумлаштириш ва бу ғояларни тарғиб қилишда катта муваффақиятларга эришди, социал адолатсизликка қарши бош кўтарди, барча одамларнинг тенг ҳуқуқли ва озод яшашини орзу қилди.

Ўзбекистонда Жомий туғилган куннинг 575 йиллигига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов бошчилигидаги республика юбилей комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида маълум қилинди. Юбилейга тайёргарлик кунларида олимлар, маданият арбоблари, санъат ходимлари, ноширлар, оммавий ахборот воситалари катта ишларни амалга оширишлари лозимлиги таъкидланди. Жомийнинг ўзбек тилига ўгирилган шеърлар тўплами, «Юсуф ва Зулайҳо», «Саломон ва Абсол», «Лайли ва Мажнун» достонларини, шунингдек Навоийнинг Жомийга бағишланган «Ҳамсатул—мутахайирин» — асарини нашр этиш режалаштирилмоқда. Шоир ва мутафаккирнинг мероси ҳақида, шунингдек ўзбек—тожик алоқалари тўғрисида қисқа метражли фильм суратга олинади. Тошкентдаги Жомий номли майдонда шоир бюстини ўрнатишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

Пойтахтимиздаги Обид Содиқов номли 249-ўрта мактабда Ўзбекистон халқлари музейи фаолият кўрсатмоқда. Суратда: ўқитувчи Салима Ҳошимова ўқувчиларга янги экспонатларни намойиш этмоқда.

Д. АҲМЕДОВ фотоси.

КИСЛОРОД МУАММОСИ

«ОРОЛ-88» ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ БИР САРГУЗАШТИ ҲАҚИДА

— Районимиз Тошкент шаҳри, шунингдек Сирдарё ва Жиззах областлари учун ҳам тоза ҳаво манбаидир. Пойтахтимизга ва шу икки областга кислороднинг 21 проценти ана шу ердан боради, — дерди тили тилига тегмай «заводга қарши комитет» раиси, Ғазалкентдаги 18-ҳунар-техника билим юрти муаллими А. Йўлдошев. — У нима ҳақда гапиряпти ўзи? — Меҳмонлар тушунолмай бир-бирларига қарашди. Раиснинг кислород хусусида кейин айтган гапларини ҳам тушуниб бўлмади. Лекин «Орол-88» Бутуниттифоқ экспедициясининг қатнашчилари тузоққа илинганликларини тушуниб қолдилар.

Воқеа якшанба куни кечга томон рўй берди. Маҳаллий номер белгилари қўйилган тўртта «РАФ» ва учта «Волга» машинасидаги экспедиция аъзолари милицияга тегишли «Жигули» машинаси бошчилигида Тошкентга қайтиб келарди. Бугун ҳам ҳар доимгидек оғир ва машаққатли бўлди... Чорвоқ сув омборини айланиб чиқишди, Чирчиқ, Псков, Чотқол дарёларини кўздан кечиришди, тоғ хўжаликлари билан, бу ерларда сувдан қандай фойдаланаётганликлари билан танишишди. Олимлар, публицистлар, сув хўжалиги ходимлари ўзларининг икки ойлик сафарлари давомида Сирдарё ва Амударёнинг бутун оқими бўйлаб юрадилар, Орол муаммосининг аниқ манзарасини белгилайдилар, бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини излашда қатнашадилар.

...Автомашиналар карвони Чирчиқ дарёсининг чап соҳили бўйлаб Тошкентга жўнаш ўрнига тўсатдан кўприк томонга бурилди ва ўнг соҳилга ўтиб олди. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозига йўл олинганлиги кейинчалик маълум бўлди. Автомашиналарга раҳбарлик қилишни «Волга» машинасидаги ёзувчилар Дадахон Нурий, Муҳаммад Али, Юрий Ковалевлар ўз зиммаларига олишибди. Улар Орол денгизининг шу ерлик ҳимоячилари сифатида фақат бир кунгагина экспедицияга қўшилган эдилар.

Топ-тоза дала ёқасида тўхтадик.

— Ҳов анави ерда, — деб кўрсатди Дадахон Нурий,— жуда катта завод қурилмоқда. Биргина котлованнинг чуқурлиги 97 метрга боради! Заводда неча ўн минглаб одам ишлайди. Чирчиқ дарёсига юздан ортиқ зарарли модда ташланади. Бутун область халқи заҳарланиши мумкин.

Ёзувчи дилларни ларзага келтирувчи ана шу хабарни айтгандан сўнг Москвадан ҳамда бошқа маданий марказлардан келган ҳамкасбларини мазкур корхона қурилишига қарши ўз фикрларини айтишга чақирди.

Республикада қисқа вақт бўлганликлари учун бу қурилишдан бехабар бўлган меҳмонлар ҳеч нарсага тушунмай елкаларини қисишарди. Шундай бўлса ҳам экспедицияда қатнашаётган мутахассислар яхши жой танланганлигини, теп-текис тошлоқ ер ана шу қурилиш учун мос эканлигини тан олдилар. Бу ерда баҳор ойларидагина қўйлар озми-кўпми ўтлаши мумкин.

Шундан сўнг машиналарга ўтиришди, энди Тошкентга жўнасак бўлар, ишлар тугади, деб ўйлашди. Йўқ, ундай бўлмади. Ишончли қўллар имоси билан машиналар олдинга, қишлоқ томонга йўл олди. Қишлоқда ишлар қовушмади: афтидан, ўйланган режа чиқмаган эди. Меҳмонларни яна машиналарга таклиф этишди. Қишлоқ кўчаларида чанг кўтарган машиналар бевосита қурилиш майдонига келиб тўхтади. Худди шу ерда экспедицияни «заводга қарши комитет» раиси кутиб олди. У бир неча аёллар ва болаларни ёрдамга чақирган, улар вақти-вақти билан «завод бизга керак эмас» деб овоз чиқаришарди.

Аввал хабар берилганидек, Ғазалкент районида контрол-ўлчов аппаратлари заводи қурилиши бошланмоқда. Корхона мазкур шаҳардаги кичкинагина шиша заводидан уч ярим баравар кам ва қурилиш индустриясининг қўшни заводларга нисбатан ўн баравар кам зарарли газ чиқаради. Корхона районда тўлиб-тошиб ётган ишчи кучларидан фойдаланиш муаммосини бартараф этишга, унинг инфраструктурасини, социал соҳасини ривожлантиришга ёрдам берган бўлур эди. Бунинг устига, завод Дадахон Нурий меҳмонларга тушунтирганига нисбатан анча кичкина эди.

«Ошкоралик» давридан анча илгари завод қуриш ҳақида қарор қабул қилинган, лекин у қандай корхона эканлигини одамларга айтишмаганди. Шундан кейин «алюмин заводи», «ядро реактори бўлган мудофаа гиганти» қурилар эмиш, деган миш-мишлар тарқади. Мазкур территория бош планга мувофиқ, бундан 20 йил аввал тобора кенгайиб бораётган Ғазалкент шаҳрига берилганлиги ҳақида лом-мим дейишмасди. Шаҳарларнинг ўсиши қонуний жараён бўлиб, орқага қайтиб бўлмайди. Лекин буларнинг ҳаммасидан одамлар бехабар қолишган.

Ҳамма нарса маълум бўлган ҳозирги пайтда миш-мишлар жонларига текканлиги сабабли одамлар бирор нарсага ишонишни хоҳламаяптилар. Бунинг устига, қатор ёзувчилар қизғин ишга киришиб кетдилар. Улар, эҳтимол, ўзларини ҳақиқатан ҳам тоза ҳаво ва тиниқ сув ҳимоячилари деб ҳисоблашаётгандир. Ана шу машъум заводга қарши шовқин-суронли йиғилишлар ҳақида ҳам матбуотда хабар берилган эди. Халқ ўртасида ҳурмат қозонган кишилар фикрларини асослаш учун айтган рақамларини қаердан олганликларини исботлаб беролмадилар.

— Юзта заҳарли модда ҳақида аниқ бир гап айтолмайман, биз унинг таркибини билмаймиз. Лекин заводда магнитофон ишлаб чиқаришларини, уларда эса кўпгина моддалар борлигини биламиз, — деб жавоб берди А. Йўлдошев. — Умуман Чирчиқ жуда ноёб дарё, суви ниҳоятда тоза.

Бир оздан сўнг Йўлдошев: «Бизнинг Ғазалкентда сув шу даражада шўрки, ичиб бўлмайди», деб айтди. Лекин у газеталарда ёзилган бир гапни «унутиб» қўйди. Хусусан шу янги завод ғазалкентликларга артезиан суви ўрнига мусаффо Чирчиқ дарёсидан фойдаланиш имконини беради.

Унинг экспедиция қатнашчилари ҳузурида айтган гапларини ёзиб олдик. Эшитсангиз, анчагина чалкашликлар борлигини билиб оласиз.

Қуёш оғиб, қош қорайган. Узоқда, Тошкентдаги меҳмонхонада саёҳатчилар учун тайёрланган овқат анча совиб қолган бўлса керак. Лекин программа ҳали тугамаган экан. Яна ўша колхоз қўрғонига бордик, яна узумҳўрлик қилиб, суҳбатлашишга таклиф этишди.

— Машиналардан тушмаймиз, — дейишди экспедиция аъзолари қатъий оҳангда. — Бу спектаклда қатнашмаймиз.

Шундай қилиб колонна Тошкент томон йўл олди.

Мана, бор гап шу. Очиғи, кишининг жонига тегадиган, зерикарли гап. Лекин бу воқеадан керакли хулосаларни чиқариб олиш керак.

Асосий хулоса шуки, оғиз очиб бўлмайдиган, одамларнинг фикрига ҳурматсизлик билан қараладиган вақтларнинг мевасини тотяпмиз. Ҳозир ҳам баъзилар деворнинг у томонида, баъзилар эса бу томонида туришибди. Ўзаро ҳамжиҳатликни қидириш ўрнига бир бирларини ҳақорат қилишгача етиб боришмоқда. Бундай йўл билан масалани ҳал этиб бўлмайди.

Яна бир хулоса шуки, ёзувчи ўртоқлар, спортчиларга хос дадил ва ҳалол ҳаракат қилинг. Сизга қарама-қарши турган одамларнинг фикрини эшитинг, уларнинг далил ва исботларини ҳақиқий мунозаралар йўли билан рад этинг, аниқ факт ва рақамларни келтиринг, ҳақиқат ўз томонингизда эканлигини билсангиз, бундай ярашмаган ўйиннинг кимга керагги бор?

...Энциклопедияга кўз ташладим: ҳаво таркибида 21 процент кислород, 78 процент азот, 1 процент ҳар хил газлар бор экан, мана гап қаерда? Бўстонлиқнинг ўзидагина эмас, бутун Ер юзида ҳавода 21 процент кислород бор...

И. ХИСОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

геодезия, картография, топография ихтисосликлари бўйича СИРТҚИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТАЪЛИМ МУДДАТИ: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 4 йилу 6 ой; 10 синф маълумотига эга бўлганлар учун — 2 йилу 6 ой.

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси ва бир нусхаси билан), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см, ҳажмида).

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 ноябрдан 15 декабргача математика (оғзаки), **рус тили ва адабиёти ФАНЛАРИДАН** (8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — диктант, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун — иншо) **ўтказилади.**

8 ёки 10-синфни, шунингдек, ҳунар-техника билим юртини «4» ва «5» баҳоларда тамомлаганлар агар иш соҳаси танлаган ихтисослигига мувофиқ келса кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқувчилар составига қабул қилиш — 16 декабрдан 25 декабргача.

Ўқув йили 1989 йил 2 январдан бошланади.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Техникум адреси: 700125, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, М. Горький проспекти, 82-уй (1, 17, 71, 83-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 9, 18-троллейбусларнинг «Маданият институти» бекати). Телефон: 62-58-34.

ТИЙИН СЎМНИ ТЕЖАЙДИ...

УЙ МУЛКИ СТРАХОВАНИЕСИ ҚИЛИНГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР КАТТА ЭМАС

Улар бир йилга страхование миқдорининг ҳар 100 сўмига 15 тийиндан 25 тийингача ташкил этади холос.

Мол-мулкингиздан айрилганингизда ёки уларга шикаст етказилган тақдирда (ёнғин чиқиш, портлаш, сув босиши ёки бошқа табиий офатлар натижасида) сиз оладиган маблағ эса

ҚУРГАН ЗАРАРИНГИЗ ЎРНИНИ ТЎЛА ҚОПЛАШИ МУМКИН.

Уй мулки страхованиеси бўйича шартномаларни исталган муддатга: 2 ойдан 11 ойгача ва 1 йилдан 5 йилгача, мол-мулкингиз қийматидан келиб чиқиб, хоҳлаган суммага тузишингиз мумкин.

Страхованиенинг ушбу турига оид қўшимча маълумотларни барча давлат страхованиеси инспекцияларидан олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

СССР Давлат агросаноат комитетининг «СОЮЗСЕЛЬХОЗХИМИЯ» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш-илмий бирлашмасига қарашли қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш Марказий институтининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ (ЦИНАО) ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Озуқа ва ўсимлик маҳсулати сифатини баҳолаш бўлими **мудири;**

АИВСУ вазифаларини системали таъминлашни ишлаб чиқиш лабораторияси **мудири;**

иқтисод ва илмий-техника ахбороти **катта илмий ходими ва илмий ходим;**

радиология ва токсикология бўлими **илмий ходими.**

Конкурсда илмий даражага эга бўлган мутахассислар ва юқори малакага эга бўлган илмий даражасиз мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 28 сентябрга.

Конкурс тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ҳужжатларни қуйидаги адресга юборилсин: 702152, Тошкент области, Оржоникидзе райони, «Институт» алоқа бўлими, Семенная кўчаси, 8-уй. Телефонлар: 62-45-14, 62-84-21.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

23 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР 51-чемпионати учун

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КОЛОС» (Никополь)

1-лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ТАНАФФУС ВАҚТИДА СПОРТ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ.

Сериялар номерлари 046001 дан 048000 гача.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ТЕАТРИДА — 22/IX да **Зўлдир,** 23/IX да **Шайтон ва муридлар,** 24/IX да **Музикали комедиялардан саҳналар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IX да **Драматик актерлар куйлайди** (18.00), 23/IX да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 24/IX да **Майсаранинг иши** (18.00).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

РУЙХАТДА КИМ БИРИНЧИ!

◆ Олимпиада шаҳарчасида 13307 киши яшаётганлиги рўйхатга олинди. Уларнинг 6530 нафари эркак, 2130 нафари хотин-қиз спортчилардир. 935 олимпиадачи қўшимча жойларда яшамоқда.

ТОЗАЛИККА РИОЯ

◆ Олимпиада Сеул шаҳри кўчаларига файз бағишлаб турибди. Айни чоғда унинг тозалигига алоҳида эътибор берилаётир. Мабодо, бирон кимса кўчаларда тозаликка риоя этмаса, шу ернинг ўзида ундан жарима ундирилаётир. Жиддийроқ қонда бузишлар эса ҳатто 29 кунгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

ЯРМИ — АЁЛЛАР

◆ Олимпиада ўйинлари ташкилотчиларининг 26 минг кўнгилли ёрдамчиларидан ярми хотин-қизларни ташкил этади. 6527 таржимоннинг 3587 нафари хотин-қизлар.

ЯХШИ НИЯТ...

◆ Ёзги Олимпиада ўйинларида бир спортчи учта олтин медални ҳали қўлга киритмаган. Жаҳон рекордчиси, марокашлик спортчи Саут Аунта ҳозирги Олимпиада мусобақасида бундай натижага эришмоқчи.

БУШ ВАҚТДА

◆ XXIV Олимпиада ўйинлари пойтахтида турли кўргазма савдолари уюштирилмоқда. Бу ерда почта маркалари халқаро кўргазма савдоси очилди. Унда почта маркалари сотувчи 50 дан зиёд идора ва фирма ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Чемпионлар ва унвонлар

◆ ГИМНАСТИКАЧИЛАР ЗАФАРИ

◆ МЕЗБОНЛАР ТАҲМИНИ

◆ ИШОНЧНИ ОҚЛАГАНЛАР

◆ ФУТБОЛЧИЛАРГА МАШИНА.

Бир неча кундан бери ловуллаб турган Олимпиада машъаласи жаҳон спортчиларининг уйғунлиги, баҳсларнинг муросасиз ва қизғин эканидан дарак бериб турган бўлса, туташ беш ҳалқа тасвири акс эттирилган оқ байроқ остида ўзига хос жисмоний етуклик кўриги ўтказилмоқда. Мусобақада 160 команда иштирок этмоқда. Лекин уларнинг қайси бири норасмий умумкоманда ҳисобида биринчи бўлиши ҳақида аниқ фикр айтиш қийин. Боиси, кейинги ўн йиллик мобайнида биринчи марта буюк давлатлар иштирокида мусобақалар ўтказилмоқда. Мутахассислар ва миллионлаб мухлисларнинг биринчилик учун кураш асосан СССР, АҚШ ва ХХР спортчилари ўртасида давом этади, деб башорат қилишлари ҳам шундан. Бу борада Жанубий Корея мухлислари ўртасидаги сўровларга мувофиқ Олимпиада терма командамиз олтин медалларнинг кўпроқ қисмини қўлга киритиши ҳақида фикр билдирилди. АҚШ спортчилари бундай совринларнинг учдан бир қисмига эришиши мумкин экан. Ўнтача олтин медалга даъвогар мезбонлар — Жанубий Корея командаси ўнинчи ўринни олади, деган мулоҳазалар бор.

Маълумки, футбол мусобақалари ҳамиша катта қизиқиш уйғотади. Дастлабки саккиз учрашувга 170 минг билет сотилгани ҳам шундан. Ваҳолонки, Лос-Анжелес Олимпиадасида жами учрашувларни 1,4 миллион киши томоша қилган бўлса, Москва Олимпиадаси футбол ўйинларини 1,8 миллион мухлис кўрган. Сеул Олимпиадасида бу рақам ўзгарармикан? Жанубий Корея футбол командаси дастлабки учрашувни совет футболчилари билан ўтказиб, дарвозалар дахлсиз қолганидан кейин мамлакат футбол федерацияси президенти Ким Вў Чун ўйинчиларни рағбатлантиришга қарор қилди. Агар Жанубий Корея ўйинчилари чорак финалга чиқишса, уларнинг ҳар бирига биттадан машина, ярим финал таъминланса, 14 минг долларлар пул бериладиган бўлди. Афтидан, бундай катта мукофотлар иш бермаган кўринади. Чунки майдон эгалари иккинчи учрашувни АҚШ командаси билан ўтказиб, ҳисобни яна 0:0 қилишди. Совет футболчилари эса Аргентина командасини 2:1 ҳисобида енгиб, ўз группаларида мавқеларини яхшилаб олишди.

Совет олимпиадачилари ишончни оқлашга, ғолиблик супасига кўтарилиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Иккинчи учрашувни Жанубий Корея чим хоккейчилари билан ўтказган вакилларимиз яна бир ғалаба (3:1)га эришиб, саралаш ўйинларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Мерганларимиз яна бир олтин медалли бўлишди. Бу гал киевлик Дмитрий Монаков хандақ стендига отишда нишонни бехато урди, Олимпиаданинг катта олтин медалини қўлга киритди. Олимпиада шаҳарчасида эса ҳар куни кеч оқшом ғолибларни шарафлаш маросими ўтказилмоқда. Қизиғи шундаки, чемпионлар шу ернинг ўзида «СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери» унвони билан тақдирланмоқда.

100 километрли велосипед пойгасида спортчиларимиз имкониятни бой беришган эди. Велотрек баҳсида эса бу «хато» тузатилди. 1000 метрга жойдан қўзғалиш пойгасида марра сари шитоб билан интилган Александр Киреченко зафар қучди. У 1 минут 04,499 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди. Гимнастикачи йигитларимизнинг команда ҳисобидаги ғалабаси ҳам совет спортчиларига довруғ келтирди. Дмитрий Білозерчев, Сергей Харьков, Валерий Люкин, Владимир Артемев, Владимир Новиков ва Владимир Гоголадзелардан иборат команда юксак маҳорат кўрсатиб, Олимпиада ғолиби бўлишди. ГДР ва Япония гимнастикачилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Классик кураш бўйича беллашувларда ҳам терма командамиз жамғармасига яна бир олтин медаль келтирилди. Минсклик Камандар Мажидов вазни 62 килограммли полвонлар билан беллашишни ўрнига қўйиб, кураш майдонида ғолибга хос қўл кўтарди. Омсклик Владимир Попов (90 кг) эса бронза медали соҳиби бўлди. Унинг командадоши М. Аллахвердиев тўртинчи ўринни эгаллаб, умумҳисобга қимматли очколар келтирди.

Бугун Олимпиада ареналарида яна 18 комплект медаль учун кураш давом этади. Замонавий бешкураш, чавандозлик, бокс, классик кураш, велоспорт, қиличбозлик ва футбол мусобақалари бўлади.

Ҳ. НОСИРОВ.

ФУТБОЛ:

БЕШ ТАЛАБГОР

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг 34-тур ўйинларини ўтказишди. Бу сафар ўйинлар тўпларга бой бўлди. Дарвозалар жами 31 марта ишғол этилди. Энг йирик ҳисоб «Ростсельмаш» майдонида қайд қилинди. Майдон эгалари «Котайк» командасини 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Чемпионат пешқадамлари «Помир» футболчилари сафарда Ботуми динамочилари билан ўйнаб, 4 тўпга бир жавоб қайтаришди, холос. «Пахтакор»нинг «Гурия» билан учрашуви сафарда бўлишига қарамай, меҳмонлар қарийб 80 минут мобайнида дарвозалар дахлсизлигини сақлашга уриндилар. Кейин майдон эгалари бир тўп киритиб, муваффақият қозонишди. «Ротор» ва Ставрополь динамочилари учрашуви дуранг (1:1) бўлди. Пайтахт армиячилари эса «Геолог» коллективини қабул қилиб (2:1), очколарни 39 тага етказишди.

Шундай қилиб, олий лигага чиқиш учун имкон берадиган яна бир ўринга беш команда талабгорлик қилмоқда. Пахтакорчилар 40 очко билан иккинчи бўлиб туришган бўлса, 39 тадан очко тўплаган «Ротор», «Гурия», ЦСКА ва «Динамо» (Ст) коллективлари ҳам шу ўринни қўлдан бермоқда.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

● Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 10.05 — Мультфильм. 10.15 — «Артемканинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 11.35 ва 12.45 — Янгиликлар. 13.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Музикали хазина. 17.25 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.10 — Инсон ва қонун. 18.45 — Дунё воқеалари. 19.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 00.30 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Биология. 12.00 — Испан тили. 12.55 — «Вўри уяси». Бадиий фильм. 2-серия. 14.00 — Янгиликлар.

22 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

14.10 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Янгиликлар. 16.00 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинлари. 19.00 — Қишлоқ янгиликлари. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.15 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.45 — Халқ куйлари. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.45 — Чет эл фильмлари экрани. 23.05 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — «Браслет-2». Бадиий фильм. 16.40 — «Кичкинтой Мук». Спектакль. 17.50 — Янгиликлар. 18.00 — Йирик планда — инсон. 18.45 — ВЛКСМ 70 йиллигига. 19.30 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Садо». Фильм-концерт. 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Хирмонингизга барака. 22.10 — «Орол балиқчилари». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 — «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм. 20.15 — Реклама. 20.25 — Тошкент —Сиэтл. Биродарлашган шаҳарлар. **Душанба.** 21.00 — Время. 21.35 — Қайта қуриш прожектори. 21.50 — Жамиятда инсон. 23.00 — Кино оламида.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Кўнгил таронаси. 9.30 — Р. Қурбонов куйлайди. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ўзбекистон транспорти. 12.30 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 13.00 — Малши. 13.30 — Н. Добронравов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Композиторлар ҳақида ҳикоялар. 17.00 — П. Мория раҳбарлигидаги оркестр чалади. 18.15 — Жаҳон сиёсатининг актуал масалалари. 18.30 — Ленин хотирасига бағишланган симфоник манзаралар. 19.20 — Юность Узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.15 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинларида. 21.00 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.40 — XXIV ёзги Олимпиада ўйинларида. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р — 17680. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 218. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12